БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

1990 йил 30 январь
Сешанба
№ 21 (13.457).
Баҳоси 3 тийин.

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган • ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •



Суратга олиш ҳам қийин иш. Айниқса, газетада ишласанг, бунинг масъулиятини янада теранроқ ҳис этасан. Сураткашимиз Е. БОТИРОВнинг мана бу лавҳасини энг яхши ижод намунаси, деб баҳолаш мумкин. Ҳақиқатан ажойиб кўриниш. Аммо сизни бу ерда бир нарса ҳайрон этиши аниқ. Отни тасвирга туширишдан ҳожат не? Буни қарангки, ҳар қандай чиқинди газ лимон ўсимлиги гулини тўкиб юборар экан. Орджоникидзе ноҳиясидаги Ленин номли «Лимонарий» колхозида оила пудрати асосида меҳнат қилаётган Мамараҳимовлар ерга ишлов беришда отдан фойдаланаяптилар. Натижада, ҳар йили 40 минг сўмдан ортиқ соф фойда олинмоқда.

Суратда: Алишер Мамараҳимов ота-онаси — Инобат опа ва Сандали ака билан.

Мамлакат ўтган йилда

СССР Давлат статистика комитетининг 1989 йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тўғрисидаги ахбороти эълон қилинди. Ахборотда таъкидланадики, ўтган йили иқтисодиётни структуравий қайта қуриш, унинг ижтимоий йўналишини кучайтиришга ва молиявий соғломлантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан илдам суръатга эришди. Мудофаа саноати конверсияси бошланди. Социал соҳага маблағ сарфлашга кўпроқ аҳамият берилди. Халқ фаровонлигини юксалтириш йиллик марказлаштирилган тадбирлари амалга оширилди. Пенсияларнинг энг кам миқдори кўпайтирилди.

Ўтган йили ялпи миллий даромад (нарх-навонинг амалда ўзгариши таъсирини ҳисобга олмаганда) 3 процент, ҳосил қилинган миллий даромад — 2,4 процент, ижтимоий меҳнат унумдорлиги — 2,3 процент ўсишга эришилди. Хўжалик юритишнинг янги шаклларини қўллаш кенгаймоқда. Ўтган йил охирида 1332 саноат корхонаси, 731 қурилиш ташкилоти, 4911 колхоз ва совхоз, 988 чакана савдо корхонаси, 1043 жамоат овқатланиш корхонаси, 138 аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхонаси ва бир қатор бошқа корхоналар ижара пудратида ишлади.

Шу билан бирга мамлакатда иқтисодий вазият мураккаблигича қолмоқда. Истеъмол бозорида кескинлик кучайди. Иқтисодиёт ривожланишида барқарорлик пасайди. Халқ хўжалигини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш йиллик плани кўпгина энг муҳим кўрсаткичлар бўйича бажарилмади. Давлат ички қарзи 400 миллиард сўмга яқинлашиб қолди. Муомалага пул чиқариш 1988 йил даражасидан 56 процент юқори бўлди ва 18 миллиард сўмдан кўпроқни ташкил этди.

Истеъмол товарлари нархи ва пулли хизмат ҳақининг амалдаги ўсиши 1988 йилдагига нисбатан 2 процентни ташкил этди. Қондирилмаган талабнинг кўпайганлигини ҳисобга олганда истеъмол секторида пулнинг қадрсизланиши миқёси 7,3 процентга етди.

1990 йил бошида СССР аҳолиси сони 288,8 миллион кишини ташкил этди. Халқ хўжалигида 139 миллион киши ишлади. Меҳнатга лаёқатли жами аҳолидан қарийб 13 миллион киши жамоат ишлаб чиқаришида банд эмас. Ортиқча меҳнат ресурслари мавжуд бўлгани ҳолда бир қанча корхоналарда иш ўринлари тўлдирилмай қолмоқда.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнат интизоми ёмонлашди, прогул, бўш туриб қолиш ҳоллари кўпайди, кадрлар қўнимсизлиги ортди. Ўтган йили забастовкалар оқибатида 7 миллиондан кўпроқ одам-куни қўлдан бой берилди.

Халқ хўжалигидаги ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 1988 йилдаги 220 сўм ўрнига 1989 йилда 240 сўмни, колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш эса 182 сўм ўрнига 196 сўмни ташкил этди. Аҳоли ижтимоий истеъмол фондларидан 187 миллиард сўмлик тўлов ва имтиёзлар олди. Бу 1988 йилдагига нисбатан 11,6 миллиард сўм кўпдир. Уларнинг пул билан тўлаш қарийб 50 процентини ташкил этди.

Ўтган йили умумий саҳни 128,1 миллион квадрат метр бўлган 2,2 миллионта квартира қурилди. Шу беш йиллик мобайнида биринчи марта умуман мамлакат бўйича уй-жойни фойдаланишга топшириш плани бажарилмади. Аввалги йилдагига нисбатан 4,3 миллион квадрат метр кам уй-жой қурилди.

1989 йилда саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши 1,7 процент бўлди, бунда саноат «Б» группаси маҳсулотининг ўсиши 4,8 процентни, «А» группаси маҳсулоти ўсиши — 0,7 процентни ташкил этди.

Деҳқончилик саноати комплекси маҳсулотининг умумий ҳажми таққослама нархларда 475 миллиард сўмлик бўлди ва 1988 йилдагига нисбатан 1,9 процент кўпайди. Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг кўзда тутилган ўсишига эришилмади. Жамоат қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги йил давомида меҳнатчилар сони 0,7 миллион кишига камайгани ҳолда 5 процентни ташкил этди. 1989 йилда колхозлар ва совхозлар 45 миллиард сўмликдан кўпроқ фойда олдилар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши рентабеллиги 31 процентни ташкил этди. Зиён кўриб ишлайдиган хўжаликлар камайди.

Дон, картошка, кунгабоқар етиштириш кўпайди, қанд лавлагидан мўл ҳосил йиғиштириб олинди. Шу билан бирга 1988 йилдагига нисбатан сабзавот, узум ва пахта кам олинди. Давлат дон ресурслари 59 миллион тонна, ёки давлат буюртмасида кўзда тутилгандан 27,3 миллион тонна кам дон топширилди. Умумиттифоқ фондига 1989 йилда гўшт ва гўшт маҳсулотлари етказиб бериш плани 95 процент, сут ва сут маҳсулотлари етказиб бериш плани — 99 процент бажарилди.

Ўтган йили қишлоқ хўжалиги тракторлар, трактор культиваторлари, тупроққа минерал ва қаттиқ органик ўғитлар солиб берадиган машиналари, силос ва озуқа йиғиб берадиган комбайнлари, сут соғиш қурилмалари ва пахта териш машиналари 1988 йилдагига нисбатан кам олди.

Деҳқончилик саноати комплексини, шу жумладан қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминловчи тармоқларни ривожлантиришга пул билан таъминлаш барча манбалари ҳисобига қарийб 67 миллиард сўмлик капитал маблағ сарфланди. Бу халқ хўжалиги бўйича жами капитал маблағнинг 31 процентини ташкил этади.

СССР Давлат статистика комитетининг ахборотида таъкидланадики, 1990 йилда СССРни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш Давлат плани ва СССР Давлат бюджетидан келиб чиқадиган вазифалар барча меҳнат коллективларининг кўпроқ натижа билан ишлашини талаб қилади. Виждонан қилинадиган юқори унумли меҳнатгина 1990 йилги тиғиз топшириқларнинг муваффақиятли бажарилиши ва ўн учинчи беш йилликда мамлакатнинг ижтимоий ривожланиши учун моддий шарт-шароитларни вужудга келтиришнинг гарови бўла олади.

(ТАСС).

Комсомолда ҳисобот ва сайловлар

ВИЛОЯТ КОМСОМОЛ ҚЎМИТАЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ

ҚАРШИ. Вилоят XXI комсомол конференциясида сайланган вилоят комсомол қўмитасининг пленуми бўлиб ўтди. Унда **М. Саидмуродова** вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби, **П. Семёнов** — иккинчи котиби **С. Қурбонов** ва **Б. Қораевалар** — котиблари ва бюро аъзолари этиб сайланишди.

Пленум ишида Қашқадарё вилоят партия қўмитасининг иккинчи котиби Н. Ф. Солдатов, ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг котиби С. И. Рогожкин, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг котиби А. Қодиров ўртоқлар иштирок этишди.

ТОШКЕНТ. Бу ерда вилоят XXV комсомол конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда сайланган вилоят комсомол қўмитасининг пленуми бўлди.

Пленумда **И. Муртозаев** вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби, **М. Мирхўжаев** — иккинчи котиби **Ш. Қосимов**, **А. Файзиев** ва **Л. Носоновалар** вилоят комсомол қўмитасининг котиблари ва бюро аъзолари этиб сайландилар.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби А. С. Ефимов, вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби С. М. Мамарасулов, вилоят партия қўмитасининг иккинчи котиби В. Г. Гришук ва вилоят партия қўмитасининг котиби Ш. Н. Маҳмудова, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Носиров ҳамда ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг шўъба мудири В. Кривошеевлар иштирок этишди.

Армия комсомолининг анжумани

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг XXVI комсомол конференциясида ҳозир армия комсомолини ҳаяжонга солиб турган кўпдан-кўп муаммолар хусусида батафсил гаплашиб олинди. Бу анжуман 26 январь куни Тошкентда бўлиб ўтди.

Бўлим бошлиғи — округ сиёсий бошқармаси бошлиғининг комсомол ишлари бўйича ёрдамчиси капитан М. В. Смисловнинг «СССР Қуролли Кучларига партиянинг ҳозирги талаблари асосида армия ёшларини ғоявий-сиёсий, ҳарбий ва маънавий тарбиялашда округ ВЛКСМ ташкилотларининг обрўси, фаоллиги ва жанговарлигининг аҳволи ҳамда уларни янада кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги докладида, делегатларнинг нутқларида қўшинларда комсомол ишларини такомиллаштириш юзасидан анчагина амалий таклифлар айтилди.

Конференцияда округ комсомол ташкилотлари кенгаши тузилди, унинг таркибига энг фаол жангчилар кирди.

Конференция иштирокчилари ВЛКСМ XXI съездига делегатлар сайлашди.

Комсомол конференцияси ишида Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони, генерал-полковник И. В. Фуженко, ҳарбий кенгаш аъзоси — округ сиёсий бошқармаси бошлиғи генерал-лейтенант А. И. Захаров, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими А. Н. Салтиков, партия ва совет органлари вакиллари, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон комсомолининг намояндалари иштирок этдилар.

Комсомол конференциясининг делегатлари В. И. Ленин ҳайкали пойига ва номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйдилар, Тошкент шаҳридаги болалар уйларига бориб, тарбияланувчиларга совғалар топширишди.

(ЎзТАГ).

Жумҳурият янгиликлари

ФАРҒОНА пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси курашчиларга мўлжалланган 200 жуфт спорт пойабзалининг тажриба туркумини ишлаб чиқарди. Маҳаллий спортчилар уни юқори баҳоладилар: пойабзал қулай ва чиройли, сифатли чармдан тикилган, нархи ҳам қиммат эмас. Корхона бир қанча цехларини спортчилар учун пойабзални оммавий тарзда ишлаб чиқаришга мослаштиришни мўлжалламоқда.

ЖИЗЗАХДАГИ 2517-автоколонна ҳайдовчилари видеобар ва кинозал қурдилар. Уларни дам олиш кунлари, шанбаликларда жиҳозладилар. Аппаратлар ва қурилиш материалларини фойда ҳисобидан сотиб олдилар. Дам олиш марказлари аввал қуриб битказилган сауна ва чойхона қаторидан жой олди.

НАМАНГАН Волжский автомобиль заводининг «Лада» фирма магазини очилди. Пештахталарга икки мингдан кўп номдаги эҳтиёт қисмлар қўйилган. Бу ерда заводда тайёрланган эҳтиёт қисмлардан ташқари кооператорлар ясаган тақчил деталлар ҳам бор. Агар харидорга зарур товар бўлмаса, магазин ходимлари уни тайёрлашга буюртма қабул қилади. «Лада»нинг товароборот плани йилига қарийб бир миллион сўмни ташкил этади.

ЖАМОАТ овқатланиш трести ташаббуси билан Қўқон шаҳар истироҳат боғида хайрия ошхонаси очилди. Бу ерда 200 га яқин кам таъминланган пенсионер ҳар куни уч хил таомдан иборат бепул тушлик овқат олмоқда. Трест биринчи ярим йилликда меҳр-мурувват тадбири учун қарийб 45 минг сўм пул ажратди. Шунга ўхшаш хайрия ошхоналарини шаҳарнинг бошқа районларида ҳам очиш мўлжалланмоқда. Уларга катта саноат корхоналари мутасаддилик қилишади.

ОЗАРБАЙЖОН ВА АРМАНИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

Озарбайжон ва Арманистондаги вазият аста-секин изга тушмоқда. Ҳуқуқ тартиботни муҳофаза қилиш кучлари, ички қўшинлар ва Совет Армиясининг бўлинмалари жамоатчилик ёрдамида вазиятни нормал изга солиш тадбирларини амалга оширмоқдалар.

БОКУ. Узлуксиз циклли корхоналар, ҳаёт таъминоти билан боғлиқ объектлар куни билан тўла ишлади. Метро ишлаб турибди, жамоат транспорти асосан қатнай бошлади. Республика телевидениесининг иши қайтадан бошланди. СССР халқ депутати полковник Н. Петрушенко телефон орқали берилган саволларга жавоб қайтариб, маҳаллий радио орқали бевосита гапирди. Унинг бокуликлар билан мулоқоти рўй-рост амалий тусда бўлди.

Миллатлараро негиздаги тўқнашувлар рўй бермади. Тартиб ўрнатиш мақсадида запасдаги жангчиларнинг фаол иштирокида гражданларнинг кўнгилли қўшилмалари тузилмоқда.

Экстремист тўдалар ёлғон миш-мишлар тарқатиб, маҳаллий ҳокимият органлари обрўсига путур етказишга уриниб, вазиятни беқарор қилувчи таъсир ўтказмоқдалар. Гражданларни бўйсунмасликка даъват этувчи варақалар тарқатилмоқда. Масалан, экстремистларнинг «штаб»ларидан бири жойлашган Шмидт номли заводда иғвогарлик мазмунидаги 10 мингга яқин варақа мусодара этилди.

Қўшинлар «Тез ёрдам» машиналарининг, автотранспортнинг, озиқ-овқат саноати ва савдо корхоналарининг ишини таъминлаш учун Бокудаги машиналарга бензин қуйиш станцияларига кўплаб ёнилғи келтирганини аҳоли ижобий баҳолади. Республика алоқа структураси қўшинлар кучи билан тикланмоқда.

ЛЕНКОРАН. Партия ва совет идораларининг фаолияти тикланди. Шаҳарда осойишталик, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ишлаб турибди. Ленкоранда партия фаоллари ва шаҳар меҳнаткашларининг чегара отряди командирлари ва сиёсий ходимлари билан учрашуви бўлди. Биргаликда вазиятни барқарор этиш юзасидан конкрет чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу жараёнга тўсқинлик қилишга уринган экстремистларни шаҳар аҳлининг ўзи хонадан чиқариб юборди.

ХОНЛАР. Аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари фаол олиб борилганлиги натижасида 26-27 январь кунлари «Мудофаа комитети» қуролли кишилари қурол-яроғларни топшира бошладилар. Бронетранспортёр, пиёдаларнинг жанговар машинаси, дўлга қарши ишлатиладиган 12 та тўп, 97 та автомат, 4 та карабин, 47 та кичик калибрли милтиқ қайтариб берилди. Республиканинг бошқа районларида ҳам қурол-яроғларни қидириш ва топшириш давом этмоқда. Қуролларни ихтиёрий топширган шахсларга нисбатан ҳеч қандай жиноий таъқиб чоралари қўлланилмаяпти.

НАХИЧИВАН. Область партия комитетида Озаринформ мухбирига хабар қилишларича, автоном республикадаги вазият изга тушмоқда. Барча саноат ва қурилиш корхоналари ва ташкилотлари ишлаб турибди, транспорт нормал қатнамоқда. Бир ҳафталик узилишдан кейин область газетаси яна чиқа бошлади.

Давлат хавфсизлиги комитети органлари Озарбайжон халқ фронти экстремистик қаноти фаолиятини тергов қилиш чоғида Ильич район «Халқ фронти» ҳайъатининг ёнида қурол бўлган раҳбарлари Ф. Оллоҳбердиев ва Н. Асадов, шунингдек «Халқ фронти»нинг Бокудаги ячейкаси раҳбарларидан бири сохта паспорт ва гувоҳнома билан юрган Х. Исмайлов қўлга олинди. Тергов олиб борилмоқда.

Айни пайтда Нахичиван АССРдаги вазият ҳамон мураккаб бўлиб турибди.

ГАНЖА. Қурол-яроғларни ихтиёрий равишда топшириш давом этмоқда. Ҳаёт ўз изига тушмоқда. Икки кундан буён митинглар бўлмаяпти, озиқ-овқат саноати корхоналари, транспорт, маиший хизмат корхоналари ишлаб турибди. Магазинларга озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилмоқда. Шаҳар атрофида электр поездлар қатнай бошлади. Шаҳар газеталари чиқмоқда.

Лекин шаҳардаги кўп корхоналар ҳали ишламаяпти. Тош, цемент, бошқа бинокорлик материаллари йўқлиги сабабли қурилишлар тўхтаб қолди. Ахсу-Ганжа сув қувурининг шикастланган жойи ҳали тикланмади.

ТОҒЛИ ҚОРАБОҒ АВТОНОМ ОБЛАСТИ. Автомобиль ҳаракати тикланди. Степанакертда бу ерга келган Тоғли Қорабоғ областидаги вазиятни нормаллаштириш республика ташкилот комитети вакиллари ҳарбий қўмондонлик билан учрашдилар. Миллатлараро можароларга йўл қўймаслик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Керкижон посёлкасида экстремистларнинг кўплаб озиқ-овқат ғамлаб қўйилган таянч пунктлари топилди. Хонаки тўп, ов милтиқлари, 500 тадан ортиқ ўқ, 6 килограмм сочма ўқ, совуқ қуроллар тортиб олинди.

МИНГЕЧУАР. Узлуксиз ишлаб чиқариш циклига эга бўлган корхоналар, соғлиқни сақлаш объектлари, мактаблар, болалар боғчалари, нон заводи, озиқ-овқат магазинлари, бозорлар, транспорт ишламоқда. Шаҳардаги тартибни сақлашда маҳаллий аҳоли, шу жумладан ишчи милиция отрядлари фаол қатнашмоқда.

НЕФТЧАЛА. Барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар одатдаги режимда ишламоқда. Вазият тўла назорат қилиб турилибди. 28 январга ўтар кечаси райондаги экстремистлар «штаби» тугатилди. Икки юздан кўпроқ қурол мусодара қилинди.

ХАЧМАС. Озарбайжон миллий фронти экстремистлари 27 январь куни шаҳардаги мачитга бостириб кириб, пул талаб қилдилар. Жиноятчилар мачитни портлатиб юборамиз, деб аҳоли эҳсон қилган 27 минг 700 сўмни ўғирлаб кетдилар.

ШЕКИ. Нон комбинати, соғлиқни сақлаш муассасалари, савдо ва умумий овқатланиш объектларининг бир қисми, алоқа ишлаб турибди. Лекин Озарбайжон ипак саноатининг асосий корхонаси — В. И. Ленин номли шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси, бир қанча бошқа саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт ҳали ишга тушгани йўқ.

АРМАНИСТОН ССРда ўтган кунда дўлга қарши ишлатиладиган қурол ва унинг 200 та снаряди, автомат, 8 та тўппонча, наган, 4 та милтиқ қайтариб берилди. Шу билан бир вақтда республиканинг бир қанча районларида жанговар группалар тузилмоқда. Қуролларни ўғирлаш давом этмоқда. Хонаки зирхли камзуллар, милтиқлар ва милтиқ учун оптик нишонга олиш мосламалари тайёрлашга уринилмоқда. Кўп миқдордаги қурол-яроғ ўғирланганлиги, улар жиноий унсурлар қўлига ўтаётганлиги сабабли республикада ташвиш кучаймоқда. Норасмий ташкилотларнинг раҳбарлари агар улар бундан буён ҳам ўғирланган ёки тортиб олинган қурол-яроғларни ихтиёрий равишда топширишга тўсқинлик қиладиган бўлсалар, регионда юз берган танглик учун уларнинг ўз халқи олдидаги масъулияти янада ортишини тушуниб олишлари керак.

СОВЕТ-Эрон чегарасидан олинган хабарларда аҳоли региондаги ишларнинг аҳволини англаб етаётганлиги ҳақида кўп гапирилмоқда. Деҳқонлар ва ишчилар, ветеранлар, хўжаликлар ва корхоналарнинг раҳбарлари ёрдам беришни, экстремистлардан ҳимоя қилишни илтимос қилиб, чегара қўшинлари қўмондонлиги ва сиёсий органларига мурожаат қилмоқдалар. Масалан, Озарбайжоннинг Жалилобод районида «Халқ фронти» одамлари аҳолидан мунтазам пул талаб қилмоқдалар. Бу эса ғазабни қўзғатмоқда. Чегарага яқин жойлашган бир қанча қишлоқларнинг аҳолиси ўзларини жиноятчиларнинг ҳужумларидан ҳимоя қилиш учун кўнгилли халқ дружиналари туздилар.

Ўтган кун давомида чегарани бузиб ўтган 80 киши қўлга олинди. Икки нафар контрабандистдан салкам икки миллион Эрон риали, ўнлаб қўл соати ва совет пули мусодара қилинди.

(ТАСС).



Кўз кўриб қулоқ эшитмаган ушбу лаҳзаларни тарихга муҳрлаган ТАСС мухбири уларга Озарбайжон ССРдаги аҳвол мураккаблигича қолмоқда, дея изоҳ берган. Нафақат иттифоқимиз, балки дунёнинг аксари мамлакатлари матбуот саҳифаларидан тушмаётган бундай воқеаларни, жабрдийда, ҳа асл маънодаги жабрдийда оналарнинг нигоҳидаги қўрқув ва саросимани кўриб ҳайқиргинг келади: «Огоҳ бўлинг, арман ва озарбайжон ёшлари! Биз ҳаммамиз оналаримиз туфайли ёруғ дунёни кўрмоқдамиз. Уларнинг ҳамда болаларнинг, кексаю ёшнинг кўз ёшларини тўктиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!»



Номзодлар орасидан муносибларини танлаш ва уларни рўйхатдан ўтказиш учун йиғилганлар Оҳангаронлик комсомол-ёшларнинг конференциясини қолдириш тўғрисидаги таклифларини эшитиб, аввалига ҳайрон бўлишди.

— Биз одилона йўл тутишимиз керак, — деди ноҳия комсомол қўмитасининг собиқ котиби Саидқосим Турсунхўжаев. — Бу ерга йиғилган икки юзга яқин кишининг номзодлар масаласини ҳал этишини бугунги демократия, ошкоралик принципларига зид деб ўйлаймиз. Депутатликка лойиқ кишини халқнинг ўзи сайласин.

Зала гулдурос қарсак янгради.

Комсомолларнинг дадиллиги, катта минбардан туриб ўз сўзларини ўтказа олишлари ҳаммага маъқул бўлди.

Ўша куни 83-Қорахитой сайлов округидан беш нафар номзод рўйхатга олинди. Улар орасида оҳангаронлик ёшларнинг ишончли вакили Ирисмуҳаммад Абдукаримов ҳам бор эди.

ОҲАНГАРОННИНГ «БАҚУВВАТ» ЙИГИТИ



СОБИҚ САРКОТИБ НИМА ДЕЙДИ?

— Бугун Ирисмуҳаммад ғалаба қилиши мумкин эди. Аммо комсомол-ёшлар ғалабани бундай осонлик билан қўлга киритишни истамадилар, — дейди Улуғбек Исроилов. — Ноҳиямизда ўн мингдан ошиқ комсомол бор. Улар депутатликка лойиқ номзод танлашда адашишмаган. Ирисмуҳаммад иқтидорли, сўзда қатъий, ишчан йигит. У серфарзанд, бир бурда нонини ҳалол пешона тери билан топган оилада вояга етди. Ўзи ҳам «оқ билак»лардан эмас. Москвада ўқиди. Унча-мунча қийинчиликни билмайди. Кундузи ўқиб, кечаси ишлаш осон эмасди. Хуллас, шундай: у таг-томири билан асл оҳангаронлик. Ноҳияни беш қўлдек яхши билади. Тиниб-тинчимас, ғамхўр тенгдошимиз борлигидан дўппимизни осмонга отсак, фахрлансак арзийди. Шунингдек, депутатликка сайлансакинга, ҳар томонлама фойда кўришимизни унутмаслигимиз керак. Оҳангаронликлар унинг учун овоз беришларига ишонаман.

ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Ирисмуҳаммад Қосимович Абдукаримов — 1957 йилда туғилган. Меҳнат фаолиятини Оҳангарон шаҳридаги «Стройпластмасса» комбинатида ишчи сифатида бошлаган. Сўнг ноҳия газетасида мусаҳҳиҳлик қилган. 1975—80 йилларда Москва Давлат педагогика институтида таҳсил олди. 1984-87 йилларда Оҳангарон ноҳия комсомол қўмитасининг саркотиби бўлган. Ўзбекистон ЛКСМ XXII съездида Марказий Комитет аъзолигига сайланди ҳамда Марказқўм бўлим мудирлигига тасдиқланди. Айни кунда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг мафкура бўлими мудири бўлиб ишлаяпти.

Номзодлар билан учрашувдан сўнг биз оҳангаронлик уруш ва меҳнат ветеранлари, коммунистлар, комсомол аъзолари билан суҳбатлашдик.

Улар Ирисмуҳаммад Абдукаримов ҳақида илиқ фикрлар билдиришди. Ҳатто бир отахон уни «Бизнинг бақувват йигит», деб тилга олди.

Биз отахон айтган «бақувват» йигит билан учрашиб, ундан қуйидаги саволларимизга жавоб беришни сўрадик.

— Ирисмуҳаммад Қосимович, ҳар бир киши туғилган юрти учун жон куйдиради. Жумҳуриятимиздаги қайси муаммолар сизни кўпроқ ташвишга соляпти! Суҳбатимизни шу мавзудан бошласак.

— Кейинги уч йил мобайнида вилоятларда, ноҳияларда бўлиб, барча жойларда турли хилдаги камчиликлар — мактабларнинг аянчли аҳволи, йўлларимизнинг ёмонлиги, аҳоли ўртасидаги ишсизлик, маҳаллий Советлар ролининг йўқлиги ва ҳоказоларнинг бир хилда эканлигининг гувоҳи бўлдим. Бас, шундай экан, мазкур муаммоларни биринчи навбатда жумҳуриятимиз миқёсида ҳал этишимиз лозим.

Бунинг учун аввалambор бошқа бирор ташкилот жумҳуриятимиздаги барча даражадаги халқ депутатлари Советларининг ҳақ-ҳуқуқларини чеклаб қўймаслик учун уларнинг ҳақиқий ҳокимиятини қарор топтириш лозим;

тенгҳуқуқли ва ким ўзар шаклларини рағбатлантириб бориш керак. Масаланинг бундай қўйилиши оқсаётган иқтисодиётимизни тезроқ оёққа турғазишга ёрдам беради;

биз ҳалигача компьютерлар билан ишлашни, чет эл фирмалари билан савдо-сотиқ қилишни билмаймиз. Масалан, Ўзбекистон Ҳиндистондан совун ва порошокларни доллар ҳисобига сотиб олмоқчи бўлган. Ваҳоланки бизда рупия мавжуд эди. Бу бизнинг уқувсизлигимиз эмасми? Шунинг учун маҳаллий мутахассислар тайёрлашга эътиборни кучайтириш шарт;

чет эл туризмидан келадиган барча даромадлар жумҳуриятимизнинг ўзида қолиши керак, ҳозирги кунда эса фойданинг асосий қисми марказга кетаяпти;

мунтазам равишда энг оз тирикчилик миқдорини аниқлаш ва уни эълон қилиб бориш, даромадлари кам бўлганлар учун мурувват маблағларини ажратиш зарурдир;

мен регионал кўп болаликни эътироф этишга қаршиман. Мамлакатимизнинг Европа қисмидаги Жумҳуриятларда уч фарзандли оналар кўп болали ҳисобланади. Бизда эса беш боладан сўнг. Нега энди? У ерда бола тарбиялаш қийин-у, бизда осонми?

Ҳозирги кунда Шарқшунослик ва Қўлёзмалар институтларида жуда кўп нодир асарларимиз чанг босиб ётибди. Лекин бизда ҳалигача уларнинг тўлиқ номлари каталоги ҳам охиригача тузилгани йўқ, экологиямиз ҳолати эса жуда ташвишли.

— Оҳангароннинг гўзал табиати ҳам хавф остида...

— Нимасини айтасиз, уни ҳар томондан йирик-йирик саноат корхоналари ўраб олган. «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ангрен ва 2 — Олмалиқ шаҳри корхоналари ҳавони жуда кўп ифлослантираяпти. Лекин бу корхоналар раҳбарлари ҳеч қандай чора-тадбирлар ҳақида ўйлаётгани йўқ.

— Сиз ноҳиянинг сўлим жойлари айрим ташкилотларга тортиқ қилинганини ҳам тилга олдингиз.

— Рост гап. Бу жойларни ноҳия ихтиёрига қайтаришлари, бунинг иложи бўлмаса, ўша ерлардан фойдаланаётган ташкилотлар ижара ҳақини тўлашлари керак. Ёмон томони шуки, шундай сўлим жойларда ноҳия меҳнаткашлари учун биронта ҳам дам олиш зонаси йўқ. Ёки пахтакор-у боғбоннинг дам олишга ҳаққи йўқми?

«Октябрь» совхози зонасида чет эл фирмалари билан келишилган ҳолда дам олиш масканларини қуриш мумкин. Фойда эса ноҳия аҳли фаровонлиги учун сарф этилса, яхши бўларди.

— Ирисмуҳаммад Қосимович, Оҳангарон ёшлари билан суҳбатлашганимизда, улар стадион, турли маданият ўчоқлари йўқлиги тўғрисида куюниб гапиришди.

— Ноҳиямиз 1926 йилда ташкил топган. Лекин то шу кунгача у гоҳ бу ноҳияга, гоҳ унисига ўтказиб турилган. Айни кунда ҳам шундай ҳолатлар кўзга ташланиб турибди. Аҳвол шу даражада бўлгач, бу масалалар эътибордан четда қолмай нима қилсин.

— Сиз диний уюшмалар билан мулоқот тарафдориман, дедингиз. Буни қандай тушунса бўлади!

— Ҳозирги пайтда кўпчилик на совет қонунларидан қўрқади, на худодан, лоқайдлик илдиз отган. Эътиқоди йўқ кишидан нимани кутиш мумкин? У кези келганда ота-онасини ҳам аямайди. Менинг фикримча, диннинг тарбия билан боғлиқ бўлган софликка, виждонийликка, биродарликка, тинчликка қаратилган томонларидан тўғри фойдаланишимиз зарурга ўхшайди. Худди шу маънода мен диний уюшмаларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлайман.

— Ёшлар тўғрисидаги фикрингизни билиш муштарийларимиз учун фойдадан холи бўлмас.

— Ҳаракат дастуримда шундай сўзлар бор: «ёшлар сиёсатига сиёсий ва ҳуқуқий кафолатлар бериш учун Ўзбекистон ССР Олий Совети ҳузурида ёшлар масалалари билан шуғулланувчи қўмита тузилишига ҳаракат қиламан». Бунинг осон иш эмаслигини ҳис этиб турибман. Аммо қўл қовуштириб ўтиришдан фойда йўқ. Ҳаракатдан-баракат. Эртанги истиқболимиз учун бугунданоқ дадил қадам ташлаб, фаровон турмуш учун интилиш ҳаммамизнинг бурчимиз ва зиммамиздаги вазифамиздир.

Тўлқин ҲАЙИТ.

УЙНИ ҚАНДАЙ ҚУРАМИЗ?

Кўп қаватли уйларни қуриш, эҳтимол шаҳарда қулайдир. Лекин қишлоқ ноҳияларида ҳожат йўқ. Масалан, Ғаллаоролда икки, тўрт қаватли уйлар бор. Улар бетон плиталардан, пишиқ ғиштдан қурилган. Бундай уйларнинг атрофи кўп жойларда ифлос, ташландиқ ҳолатда.

Икки ва ундан кўп қаватли уйлар маҳаллий аҳолининг яшаш тарзига мос келмайди. Яъни ўзбеклар ҳовлиси, томорқаси, тандири ёки чорва молларни боқиш имкони бор уйларда яшашга интилишади. Кўп қаватли уйларда эса бундай имконият йўқ. Одамлар ҳамиша бугун бўлмаса, эртага бу жойдан кўчиб кетаману, деган хаёлда яшайди. Шу сабабли бундай уйларнинг атрофи унчалик обод бўлмайди.

Битта йўлакдан тўрт-беш оила кириб-чиқиб туришади. Қаттиқроқ йўталсанг, қўшниingга эшитилади. Ичкарида ҳам бемалол, ўз ҳолингча яшай олмайсан. Хуллас, санайверсанг, маҳаллий аҳоли учун ноқулай томонлари яна чиқаверади.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ ноҳияларида ўнлаб оила жойлашадиган икки ва ундан кўп қаватли уйларни қурмаслик керак. Бундай иморатларга ажратилаётган маблағ ҳовлиси бор, бир қаватли коттежларга сарфланганини маъқул. Токи бир марта уй олган киши яна уй қуриш ҳақида ўйламасин. Икки қаватли уйларда яшовчиларни эса ўзига мос уй қуриш фикри ҳеч тарк этмайди.

Ҳукумат одамларга уй қуришда қарз бераётганлиги яхши. Лекин бундай қарз ҳамма учун бўлаётгани нотўғри. Чунки жамиятимизда тенгсизлик борлиги ҳақиқат. Биров бой, биров кўп харжли. Айримлар фақат ойлик билан кун кечиради. Томорқаси йўқ, ноқулай уйда яшайди. Бошқанинг эса кошонаси дангиллама бўлган ҳолда ҳали уйланмаган невараси ёки ўғли учун ҳам уй қура бошлайди. Майли, қурби етса қураверсин, албатта. Бунга ҳеч ким қаршилик қилаётгани йўқ. Лекин шахсий маблағи етарли даражада бўлган шундай одамлар ҳам давлатдан қарз олмоқдалар. Айтмоқчи бўлган фикрим, қарз пули фақат ҳақиқатан ҳам муҳтож, ҳалол меҳнати билан танилган, давлатни алдашни хаёлига ҳам келтирмайдиган одамларгагина берилса.

Айни вақтда эса давлатдан қарз олмоқдалар. Агар ўша бойлик пешона тери, ақл билан топилган бўлса, ниқоблашнинг нима ҳожати бор!

Ширкатлар, баъзи қурилиш ташкилотлари қураётган уйлар ниҳоятда қиммат. Бунда ҳам фақат маошга кун кўрувчи, уйга муҳтожларнинг имкониятлари ҳисобга олинмаган.

Масалан Ғаллаорол шаҳрининг Аламли участкасида маиший хизмат ва ремонт қурилиш ташкилоти бир қанча уйлар қуриб сотди. Бу уйлар мармар сувоқ қилинди. Шунданми, уйларнинг нархи баттар ошди.

Кооператив уйлар қуришдаги қонун-қоидалар ҳам фақат бадавлат кишиларгагина тўғри келади. Дастлаб тузилган ширкатга анча киши аъзо бўлди. Баъзи аъзоларнинг жамғармалари оз эди. Улар давлат қарз беришига умид қилган эдилар. Кейин маълум бўлдики, давлат кооператив уйга қарз бермас экан. Бу ҳам камбағалнинг имкониятига тўғри келмайди. Ахир кооператив уй эгаси ҳар томонлама қулай уйга жойлашгач, худди кўп қаватли уйларда яшовчилар сингари ҳар ойда маълум миқдорда ҳақ тўлаб борса ҳам бўларди-ку. Агар уй жуда қиммат бўлса, ўша кишининг (оз-оздан тўлаганлиги сабабли) умри етмаса, ўғли ёки невараси тўлаши учун ҳужжат тўғрилаши мумкин.

Демак, уй-жой программаси белгиланган муддатда бажарилиши учун биринчи навбатда уйга муҳтожларни аризаларнинг сонига қараб эмас, балки одамларнинг яшаш тарзи билан танишиб, ҳисобга олиш зарур. Фақат аризалар, ҳужжатларни санаш эса чинакам талабни белгиламайди. Бундай усул қоғозбозликни келтириб чиқаради. Уйга муҳтож, қўли қисқа одамлар четда қолиб кетаверади. Қўли узунлар эса уй билан савдогарчилик қилиши ҳам мумкин.

Маржонбулоқ геологлар посёлкасида пахсадан қурилган уйлар бор. Уйларни Ғаллаорол геология қидирув экспедициясининг қурувчилар бригадаси аъзолари бунёд этишган. Бу уйлар энг муҳими давлат учун ҳам, уйда яшовчилар учун ҳам қулайдир. Афсуски, пахса уйлар қуриш усули бошқа ташкилотларда оммалаштирилмаяпти.

Қурилиш материаллари, айниқса ёғоч ниҳоятда қиммат. Топиш қийин. Табиий равишда етилган, дарахтлардан тайёрланган ёғочларнинг қимматлиги ва топилмаслиги кишида таажжуб уйғотади. Ҳаддан ташқари меҳнат эвазига етиштириладиган пахтанинг нархи қаёқда-ю, ҳеч ким экмаган, ҳеч ким суғормаган, ҳеч ким тагини чопмаган дарахтлардан тайёрланган ёғочларнинг нархи қаёқда!!

Т. ХЎЖАМБЕРДИЕВ,

Сирдарё вилоятининг Ғаллаорол ноҳиясидаги «Меҳнат байроғи» газетаси муҳаррири ўринбосари.

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК

● ҚЎҚОН пойабзал фабрикаси меҳнаткашлари халқимизнинг: «Ёз ғамини қишда егин» нақлига биноан иш юритишмоқда. Корхонанинг барча 24 та поток линияси ҳозир баҳор-ёз маҳсулотларини тайёрлашга ўтказилди. Эркаклар ва болаларнинг сандаллари, аёлларнинг ёзда киядиган енгил оёқ кийимлари, ўсмирлар пойабзали тайёрланмоқда. Айни вақтда ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ярмидан кўпроғи болалар пойабзалига тўғри келади.

Барча буюмлар хушбичим ва чиройли, ҳозирги давр йўналишига жавоб беради. Буни савдо ташкилотлари, корхона билан шартнома тузадиган ярмаркалар очиқ-ойдин кўрсатди. Қўқон пойабзалига пардоз беришда табиий ва синтетик материаллардан кенг фойдаланилмоқда, нархи ҳам арзон.

Қўқон пойабзалчилари биринчи майгача савдога икки миллион жуфт пойабзал жўнатишга қарор қилдилар.

Хориждан хабарлар

ДАБДАБАСИЗ ЎТГАН СЪЕЗД

Яқинда Эссен шаҳрида Ғарбий Германия комсомолларининг фавқулодда съезди бўлди, бу анжуман ҳақида, одатдагидек дабдабали ёзиб бўлмайди. Лекин бу йиғин ҳақида маълумот бериш керак. Реал капитализм мамлакатида маслакдошларимизга осон эмаслигини, ушбу съездга Социалистик Немис Ишчи Ёшлари (СНИЁ) нинг 3 минг ташкилотидан вакил бўлиб келган 250 делегат руҳининг тетиклиги сўнгги йилларда ва сўнгги ойларда оғир синовларга учраганини кўрсатиш учун ёзиш керак.

Ҳа, Социалистик Немис Ишчи Ёшлари ташкилоти ўзининг 20 йиллик тарихининг янги босқичини худди ана шундай чоғроқ составда бошламоқда. Ўтган йилнинг июнь ойида бўлган X съездгача комсомол аъзолари сони қарийб икки баравар кўп эди. Ўша съездда ташкилотнинг бўлажак йўли ва структураси тўғрисидаги икки йил давом этган баҳслар якунланди. Аслида бу — баҳслар ташкилотнинг бўлиниб кетиши билан тугайди. Германия Федератив Республикасидаги социалистик тараққиёт истиқболига ишонмай қўйган делегатларнинг бир қисми (бундай бўлинишга Германия Компартиясидаги танглик ва Шарқий Европа мамлакатларидаги воқеалар ҳам таъсир этди, албатта) СНИЁнинг тубдан қайта тузилишини ва ҳатто бу ташкилотни тарқатиб юбориб, сўл кучларнинг кенг кўламдаги ҳаракати таркибий қисмига айлантиришни ҳам талаб қилди. Тўғри, дейишди бошқалар, ташкилотни янгилаш, уни қироатхонлик ва маъмуриятчиликдан халос этиш, раҳбарият билан оддий аъзолар ўртасидаги ғовларни олиб ташлаш керак, аммо айни вақтда ташкилотни ишчилар синфининг ёш коммунистлар отряди тарзида сақлаб қолиш керак. Бу йўл ғолиб чиқди. Ўша кезда СНИЁнинг деярли барча собиқ раҳбарлари бу ташкилотдан чиқишди, баъзилар «кўкатпарастлар»га ёки социал-демократларга қўшилди. Айримлар эса троцкийчи руҳдаги «Бирлашган Социалистик партияга» ўтиб кетдилар. Бу бирлашмада бор йўғи 300 аъзо бор. Ҳозирги съездга қадар ташкилотга муваққат комитет раҳбарлик қилиб келди.

Агар биз ГБСП ва ГДР раҳбариятининг батамом таназзулга юз тутганлиги равшан бўлиб қолгач, Германия Демократик Республикасида бошланган «тинч революцияни» эсга олмасак, ўтмиш ҳақидаги ҳикоя ҳам, — бусиз ҳозирги кунни тушуниш мумкин эмас, тўлиқ бўлмас эди. Биз Германиядаги коммунистик ҳаракатнинг уч отряди, яъни ГДР, ГФР ва Ғарбий Берлиндаги отрядлар ва шундай ёшлар ташкилотлари ўртасидаги алоқа нечоғли мустаҳкам ва чамбарчаслигини эндигина тушуниб олмоқдамиз. Бу ҳаракатда табиийки, ГБСП ва ГДР Эркин Немис Ёшлари Иттифоқи етакчи мавқени эгаллаб келган эди.

Биз неча йиллар мобайнида Озод Немис Ёшлари Иттифоқи ва ГДРдаги социализмни қўллаб-қувватлаб келдик, — деди съездда халқаро алоқалар бўйича секретар этиб сайланган Томас Пиллих. Коммунистик ғоялар манфаатини ўйлаб, биз ГБСП ва Озод Немис Ёшлари Иттифоқидаги айрим хатолар ва нуқсонларга парво қилмадик. Аммо порахўрлик, бюрократизм, давлат аппарати ва партия аппаратининг бир-бирига тирмашиб кетгани ҳақида эндиликда аён бўлиб қолган фактлар ҳаммамизни ҳайрон қолдирди. Социалистик мамлакатларда, жумладан, СССРда марксизм-ленинизм ғояларининг бузилиши Германия Федератив Республикасидаги бошқа сўл ёшлар ташкилотлари — «Ёш социалистлар», «Табиат дўстлари», «Ёш демократлар» ташкилотларига ҳам жуда қаттиқ таъсир қилди, — деди ҳамсуҳбатимиз. Бу ташкилотлардан кўпгина аъзолар чиқиб кетишди. Аммо Германия Коммунистик партияси ва Социалистик Немис Ишчи Ёшлари ташкилоти айниқса катта зарбага учради. Булар Германия Федератив Республикасида неча ўн йиллардан бери «Берлиннинг «қўғирчоғи» ва «Ички душманлар» деб бадном этиб келинарди.

Шуни илова қилиш лозимки, «Конституция душманлари» деб расмий мақом берилиши сабабли Социалистик Немис Ишчи Ёшлари ташкилотини сиёсий контрразведка ўз «ҳомийлиги»га олди. Ҳозир, чамаси, маъмурлар Германия Коммунистик партиясига ва Социалистик Немис Ишчи Ёшлари ташкилотига яна бир марта қақшатқич зарба уришмоқчи. «Шпигель» ҳафтаномачи бу ташкилотларни «дуоибад» қилганидан кейин Франкфурт-Майн прокуратураси буларни «Ватанга хиёнат қилишда» ҳамда «террорчи ташкилотлар тузишда» айблаб, жиноий иш қўзғади, Т. Пиллихнинг фикрича, Социалистик Немис Ишчи Ёшлар ташкилотининг катта пулга сотилган собиқ аъзоси гувоҳлигига таяниб, «Шпигель», гўё ГБСПнинг топшириғи билан Германия Компартияси шу партия ичида ва Социалистик Немис Ишчи Ёшлари ташкилотида, уруш чиқиб кетгудек бўлса, қўпорувчилик қилиш учун 300 кишидан иборат «ҳарбий ташкилот тузган эмиш». Биноси Кёльн шаҳрида жойлашган конституцияни муҳофаза этиш қудратли маҳкамаси ҳам бу ахборотнинг тўғрилигига шубҳа қилди. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади, деб изоҳ берди Томас. Чунки улар бизни обдон билишади, бу ерда, съездда ҳам уларнинг жосуслари бор, бунга аминман. «Шпигель» журналидаги мақола ғирт иғвогарликнинг худди ўзидир. Социалистик Немис Ишчи Ёшлари ташкилоти программасида курашнинг зўравонлик усуллари назарда тутилмаган. Ҳозир маъмурлар бизни жиноятчи қилиб кўрсатишмоқчи, бизни террорчилар деб тасвирлашяпти, ҳолбуки, биз ҳамиша террорчиларни қоралаб келганмиз.

Равшанки, «душманлар» ёшлар, оила, хотин-қизлар ва Соғлиқни сақлаш министрлигининг моддий мададига умид боғлай олмасдилар. Дарҳақиқат, «Немис ёшлари давраси»га бирлашган ГФРдаги бошқа барча ёшлар ташкилотлари ўша министрликдан ёрдам олишмоқда. Социалистик Немис Ишчи Ёшлари ташкилоти ҳар йили шу бирлашмага кириш тўғрисида ариза беради ва маъмурлардан ҳамиша рад жавобини олади. ГДР ёрдам беришни батамом тўхтатиб қўйганидан кейин, яъни ўтган йилдан бошлаб, ташкилотнинг молиявий аҳволи кескин ёмонлашди.

Шунинг учун ҳам Социалистик Немис Ишчи Ёшлари ташкилотининг молиявий аҳволи ва мазкур ташкилотни янги шарт-шароитларда қайтадан тузиш масалалари Эссендаги съезд кун тартибидан катта ўрин эгаллади. Бу анжуманни ўтказиш учун делегатлардан пул йиғишга тўғри келди. Улар орасида эса 40 ишсиз, 18 мактаб ўқувчиси, 10 студент, анчагина ишчилар ва хизматчилар бор, делегатларнинг ҳаммаси 50 маркадан беришди. 20 та чет эллик делегация, шу жумладан СССР делегацияси аъзолари ҳам 50 маркадан беришди. Улар меҳмонхонада эмас, балки ёшлар ётоқхонасида туришди. Маблағларни тежаш мақсадида анжуманда ҳақ олиб ишлайдиган ходимлари сонини 2—3 кишига қадар қисқартириш, округлардаги барча 12 бюрони ёпиш, фақат Кёльн шаҳридагина марказий бюрони қолдириш ҳақида қарор қабул қилинди. Делегатлар Германия Коммунистик партияси билан биргаликда ташкилий структураларни тузиш тўғрисидаги таклифни рад этишди, ҳолбуки бу ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида анчагина пулни тежаб қолиш имкониятини берган бўлур эди. Социалистик Немис Ишчи Ёшлари ташкилоти бундан буён ҳам расман мустақил ташкилот бўлиб қолаверади.

Келажагимиз тўла таъминланмаганлигини тушуниб турибмиз, — деди мен билан суҳбатда Социалистик Немис Ишчи Ёшлари ташкилотининг янги раиси Патрик Кебеле. Биз ўзига хос тажриба ўтказмоқдамиз, бунинг натижалари тез орада сезила қолмайди. Аммо, ҳар қалай, шунга аминмизки, Германия Демократик Республикаси учун «социалистик йўл» мавжуд бўлиши керак. Империализм ҳозирги шароитга уддабуронлик билан мослашганига қарамай, унинг моҳияти ўзгармади. Биз яқин келажакда жамиятни инқилобий жиҳатдан янгилаш мақсадини қўяётганимиз йўқ. Аммо биз бошқа тараққийпарвар кучлар билан биргаликда ГФРнинг ўнгга оғиб кетишининг олдини олишимиз мумкин. Бонн ГДРда социализмни тугатишга, «Немис миллатини бирлаштириш» шиори остида бу республикани «ютиб юборишга» рўй-рост уринаётгани ҳаммамизни ташвишлантирмоқда. ГДР мустақиллигини сақлаб қолишга интилаётган барча кишилар куч-ғайратларини Бонннинг уринишларига қарши бирлаштириши керак.

ГДРнинг ўзида ҳам миллатчилик тенденцияларининг ривожланаётганлиги учун хавотирланяпмиз, деб таъкидлади Т. Пиллих хайрлашаётганимизда. Биз ГДРдан кўчиб келган неча ўн минглаб йигит-қизларга ирқчилик касофати урганини кўриб лол қолдик. Уларнинг аксарияти Германияни турклар ва бошқа хорижийлардан «холи этиш»ни дарҳол талаб қила бошладилар. Лейпцигдаги митингларда ҳозир «Хайль Гитлер!» ва «Ягона Германия» сўзлари янграмоқда. Лекин биз бу ГДРдаги барча ёшларнинг қиёфаси эмас, балки кўпик эканлигини биламиз. Биз бундан буён ҳам немис ёшлари социалистик иттифоқи билан қалин алоқа қилиб турамиз, бу алоқаларни тубдан қайта қурамиз. Чегаранинг очилиши вазифамизни енгиллаштиради...

Николай КАЛИНЦЕВ,
ТАСС мухбири.
Эссен — Бонн.



Сиздан «Португалия қаерда жойлашган?» деб дабдурустдан сўраб қолишса, албатта ўйланиб қоласиз. Негаки, бу мўъжазгина мамлакат Пиреней ярим оролларининг энг жануби-ғарбий томонида жойлашганлиги учун дунё картасидан ҳам дарров топиб олишда кўпчилик қийналиб қолади.

Португалиянинг аҳолиси салкам 10 миллион кишига етади. Бу ерда 1926 йилда давлат тепасига келган фашистлар режими 1974 йилда ағдариб ташланган. Ҳозирги пайтда мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти юксалишда. Бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик ҳам анча кенгайиб боряпти.

СУРАТДА: Португалча келин-куёвлар тўйи.

В. РЕШЕТИЛОВ сурати.
(ТАСС).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

АНТИҚА ТОМОША

ЛИВЕРПУЛЬ шаҳри яқинидаги меҳмонхоналардан бирида вақти-вақти билан якуни ўлим билан туговчи театрлаштирилган томоша кўрсатилади. Спектакль давомида отишувлар, одамни ваҳимага солувчи қичқириқлар эшитилади. Меҳмонхонада яшовчи ҳар бир киши қотилни топишда иштирок этиши мумкин. «Жиноят»ни очишда муваффақиятли қатнашган кимсага меҳмонхонада бир ҳафта бепул яшаш учун рухсатнома берилади.

АРАВАЧА ЎРНИГА... ЭШАК

ЗИМБАБВЕ Қизил Ярим ой жамияти ўз аъзоларига 22 ёшли ногирон толиб Вилард Кадебга машғулотга қатнаши учун эшак совға қилиш ҳақида мурожаат қилди. Вилард Кадеб мамлакат шимоли-шарқидаги қишлоқда яшайди, институтга келиб-кетиши учун 8 километр йўл босиши керак. Аввалига, толибга ногиронлар аравачасини совға қилиш мўлжалланганди. Лекин, аравача фақат текис йўлдагина юра олади. Шаҳарга олиб келадиган йўл қум барханлари, паст-баландликлар ва тошлоқликлардан иборат бўлгани учун Қизил Ярим ой жамияти Вилардга эшак совға қилишни мақсадга мувофиқ деб топди.

РЕКОРД ЯНГИЛАНДИ

ШВЕЙЦАРИЯДА 100 метрлик кўча ўриндиғи ишланганини эшитган Япониядаги Обихиро шаҳри аҳолиси бу рекордни янгиламоқчи бўлди. 300 кўнгилли шаҳар боғида 400 метрлик ўриндиқ тайёрладилар, бунга уларнинг бир ҳафта вақти кетди. Шаҳар ҳокимияти рекордчи ўриндиқни ишлаш учун 6 миллион иен ажратди.

СУВАРАККА ҚАРШИ ДОРИ

АМЕРИКАЛИК кимёгар, Канзасс дорилфунунининг ўқитувчиси Клифф Мелоэн бодринг пўстлоғи ва лавр япроғида сувараклар ёқмайдиган модда борлигини аниқлади. Улар янги бодринг ёки лавр япроғи ҳиди келган хонадан тезда «тум-тарақай» бўлиб кетадилар. Келажакда юқоридаги нарсалардан суваракларга қарши дори тайёрлаш мўлжалланмоқда.

1

МАМЛАКАТИМИЗДА оламшумул инқилобий жараён — маънавий покланиш, руҳий тикланиш — қайта қуриш кетаяпти. Жамиятимизда ҳаётбахш янгича фикрлаш расм бўлаяпти. Буларни маъқулламаслик — жоҳиллик. Фақат бир нарса ташвишлантиради — эскича тафаккур, ногиронлаштирилган онг янгича фикрлай оладими? Энг аянчлиси ва... шубҳалиси юқоридан берилган кўрсатма ҳаммамизни ёппасига янгича фикрлайдиган қилиб қўйди. Худо кўрсатмасин-у, эрта-индин юқорида кайфият ўзгариб қолса-чи?..

Ҳар ҳолда, ҳақиқатнинг ёрқин, нурлантирувчи шуъласидан бир карра ёришган инсон, — агар у чинакамига инсон бўлса, албатта — кўзига парда тутмоқчи бўлган номардлар юзига туфурар, деб умид қиламиз. Рости, бунга ҳам қатъий ишонч йўқ. Зеро, мардлигу номардлик, олижаноблигу каззобликни кишининг тутган мавқеига қараб белгилашга ўрганиб қолганмиз.

Шукрким, қайта қуриш — кўпчилик гумонсираганидек, баъзилар хомтама бўлганидек, навбатдаги пуршовқин маърака эмаскан. Қайта қуриш қўшини оёққа тура бошлади ва яқинда уни тўхтатишга, йўлига ғов бўлмоқликка ҳеч бир ёвуз, жоҳил куч-қудрат топа олмайди. Бу барча пок ниятлиларнинг эзгу муддаоси бўлса, уни таъминлашга ўз қобилиятини сафарбар қилиш — ҳар бир зиёлининг муқаддас бурчи.

Қайта қуриш бошланганига кўп бўлди. Шу давр сабоқларининг айримлари билан ўртоқлашмоқчиман. Дастлабки пайтларда халқ янги ҳаётбахш оқимни зўр қувонч ва умид билан қарши олди. Ҳар биримиз мазкур оқим тўлқини элининг ўз ҳаётимизга кириб келишини кута бошладик. Деярли истисносиз ҳар биримиз ўзимизнинг янги, соғлом, бокира ҳаётга муносиб эканлигимизни қалбан теран ҳис қилар эдик. Бироқ, не надоматки, аҳвол ўша-ўша... Тўғри, айрим ўзгаришлар бўлди: катта-катта «хўжайинлар»нинг улкан жиноятлари фош қилинди, матбуотга қизиқиш кучайди. Аммо саёз ақл таажжубда: бу шовқинларнинг ҳаммаси эски ва қўл етмас, кўз илғамас олисликда, менинг ҳаётимда, менинг корхонамда «эски тос, эски ҳаммом». Агар, шуни қайта қуриш деб аюҳаннос кўтаришаётган бўлса, мазмунидан шовқини кўпроқ экан?..

Ҳаммамиз ташқаридан кимдир келиб, ҳаётимизни янги, тўғри изга солиб юборишини кутдик. Бу энди ялқовлик, лоқайдлик, номардлик. Ожизлигимизни, сийқалигимизни ниқоблаш учун саёз донолик билан такаббурона «Қайта қуриш — қуруқ гап!» деб, пўнғиллаб қўямиз, баъзан. Билсак-ки, қайта қуриш — пандавақига текин мукофот эмас, омилкорга ташаббус эрки, шиддатли меҳнат бурчи экан. Бу бизларга кўп ҳам ёқавермайди. Шу кунгача амал-тақал қилиб бўлса-да, яшаётган эдик. Энди эса, тер тўкишни талаб қилишаяпти. Бу кимга ҳам ёқарди? Дастгоҳини юргизиб, домино ўйнаб, яроқсиз маҳсулотлар билан планини дўндираётган ишчига; ғийбатдан қўли бўшамайдиган, уйида дарсликлардан бўлак бирорта «бегона» китоби бўлмаган ўқитувчига; касалнинг қўлига қараб дардини топадиган врачга; ҳордиқ вақти тўялигича томорқага бахшида бўлган, тонналаб «оқ олтин»дан мис чақалар даромад қиладиган пахтакорга; жаҳаннамга, харобага айланганини билибми, билмайми «жаннат юртим Ўзбекистон!» дея мадҳиябозликнинг силлиқ қофиялари-ла унвонлар, мукофотлар олаётган сўзфурушга ёқармиди?..

Қайта қуришнинг шифобахш, тирилтирувчи эпкини ҳаётимиз юзига тортилган турғунликнинг пардаловчи ниқобини йиртиб ташлаб, бедаво манзарани нигоҳларга кўндаланг қилди. Оламга донғи кетган, гуллаб, яшнаётган, социализмнинг Шарқдаги машъали — она Ўзбекистонимизни мажруҳ харобага айлантириб қўйганлигимизни тушуниб, довдираб қолдик. Эвоҳ, бу не кўргулик?! Кеча, қорнимиз тўймаса-да, кийимга ёлчимасак-да, тарихий миссиямиз буюклигидан мағрур, ёввойи, ёвуз ғарб империализми вампирлари қонини сўриб, тинкасини қуритган биродарларимиздан бахтлироқ эканлигимизга мамнун яшар эдик. Таназзули муқаррар бўлган жаҳолат, разолат олами жуда ҳам бедаво эмас, боз устига, бизларнинг камолотдан ўнлаб карра баркамолроқ экан... Гангиб қолдик — ахир, эътиқодимиз заминидан маҳрум қилишди-да! — саёз қалбларимизни ғазаб, нафрат зардоби тўлдириб юборди. Бу оғули зардобдан қутилиш учун, айбдорни қидира бошладик. Топдик ҳам. Уятимиз ва шармандалигимизни ошкор этгани учун ўпкамиз тўлиб, қайта қуришга ёпишдик. Ўтмишимиз фаровонлигидан эртак ҳам сўйлай бошлашди: Сталин даврида турмуш тўқроқ эди, қонун кучли эди, порахўрлар йўқ эди ва ҳоказолар. Фақат бир нарсани фарқлай олмаяпмиз, террор қонунчилик эмас, қулликда саодат йўқ!

Инсон — табиатнинг энг мураккаб ҳодисаси, эволюция мўъжизасидир. Инсон ҳаёти — қорин ғамининг ўзигина эмас, шу қаторда, қалб камолоти, руҳ такомили учун кураш ҳамдир.

Ҳа, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий фаолликнинг мисли кўрилмаган даражада тўлқинланиши қайта қуришнинг энг катта ютуғи бўлди. Ҳатто, осонгина яхши ёки ёмонлигини аниқлаш мумкин бўлмаган Қорабоғ тўполонларию Болтиқбўйи жонланиши ҳам янги ҳаётнинг чечаклари сифатида ижобийдир. Юнон донишманди айтганидек, ўзингни англашга не етсин! Қувонч ва умид билан қайд эта оламизки, мангу заҳматкаш, мўмину содда ўзбек ҳам ўзини англашга киришди. Ўзбекнинг юраги — азим Тошкентда янги, жонли қон оқими кўпира бошлади. Ёш бўлганлигидан, тажрибасизлигидан, етилмаганлигидан ўз қувватидан оқилона, самарали фойдалана олмаслигига қарамай, бунақа ҳаётбахш тўлқиннинг жунбушга келишининг ўзи катта гап.

Она тилимизга давлат тили мақоми берилиши масаласи кўтарилди. Тўғри-да, мустақил давлат бўлган жумҳурият ўз давлат тилига ҳам эга бўлмоғи лозим. Лекин, бу бизларни бирданига ҳамма балолардан халос қила олмайди. Кимдир тилимизни камситган бўлса, ўша номард бизнинг ўзимиз. Тилнинг ҳам жонли организм эканлиги, бинобарин, муттасил комиллашуви зарурлигини унутган, тайёр андозаларга ҳирс қўйган, борингки, ўзини доно билган жоҳил — ўзимиз.

Тилимизга давлат тили мақоми Конституциямизнинг ўзидагина эмас, ҳар бир корхона, муассаса, ташкилот кун тартибию, кооперативлар уставида ҳам биринчи модда қилиб қайд этилишининг ўзи билан уни такомиллаштириш қийин. Бизда ҳамма соҳада тенглик барқарор этилган (қонунларда, ҳужжатларда). Бироқ, бу тенглик, Энгельс ибораси билан айтилгудек бўлса, тенгликдаги тенгсизликдан бошқа нарса эмас. Арастуни, Гомерни, Инжилни, Қуръонни, Раблени, Прустни... рус тилида ўзлаштирган, ўзининг энг улуғ фарзандлари Навоий, Ҳамза...ни тўлалигича китоблаштириб эгасига тақдим этишга, (мулкини эгасидан яшириш — жиноят эмасми?) жасоратими, қудратими, ақлими етмайдиган арбоблар раҳнамолигига қарши ғалаён кўтармаган халқ тилининг тенглиги тўғрисида гапиришнинг ўзи лўттибозлик. Умуман, тенглик деган нарсанинг ўзи адолатсизликка ўхшаб кетади. Эски шаҳарда сомса пуллаб чўнтак тўлдираётган тадбиркор билан Навоий кутубхонасида кўҳна қўлёзмалардан ҳақиқат зарраларини қидириб онги ва қалбини бойитаётган фозил одам расман тенг ҳуқуқли. Аммо, мазкур тенглик қуруқ гапдан зиғирча кўп эмас. Инсоният камолоти учун иккинчи тоифадагилар нодирроқ ҳодиса бўлгани ҳолда, турмуш неъматларининг энг саралари биринчи тоифадагилар хизматида. Йўқ, бу ҳатто адолатсизлик ҳам эмас. Иккинчи тоифадагилар эҳтиром уйғотса, биринчи тоифадагилар ачинишга муносиб. Буларнинг ҳар иккови ҳам намуна эмас, аксинча, уларнинг омухта яхлитлиги зарур: биринчисининг моддий фаровонлиги, иккинчисининг қалби, онги ва руҳий камолоти.

Тилимизнинг катта фожиаларидан бири маъмурий мазмуннинг ўгайлиги. Бунга яна ўзимиз айбдормиз. Ҳа-ҳа, айнан ўзимиз! Бу — қисман ноқобиллигимиз, қисман тайёрга

2

айёрлигимиз. Чунончи, ёзма мурожаат бобида ўзбек тили қўлланишини ҳеч бир қонун ёки амалдор тақиқлаган эмас, бироқ, биз бош қотириб ўтирмай, тайёр андазага ёпишиб: «Прошу принять» ёки «Прошу предоставить» деб ёзамиз. Ўзбекчаси фикрлашни талаб қилади. Тан оламиз, фикрламаслик иллати ўзбек ҳаётини энг кам булғаган иллатлардан. Ўзбек билан ўзбек қулоққа ўзбекона дағдаға-ла ноўзбек виговор эълон қиламиз, ваҳоланки, ўзбек тилида тегишли маъмурий руҳ берилса, жаранги виговордан паст бўлмаган ҳайфсан, дакки, дашном, танбеҳ каби сўзлар борким, ишонаман, уларнинг ҳар бири виговордан кам бўлмаган бўла оларди. Ёки жарима. Туппа-тузук сўз. Жаранги ҳам чакки эмас. Мазмуни ҳам чигалликдан холи. Бундан бир неча йил муқаддам жарима тўлаган бўлсак, ҳозирда фақат истисносиз штраф тўлаяпмизки, бу чўнтагимизга зарбани енгиллаштирмагани ҳолда, қулоғимизга ҳақоратлироқ, шаънимизга таҳқирлироқ туюла бошлади. Ҳатто «Пахтакор» стадионининг ўн олти метрли бўлаги ҳам ҳозирда штраф майдонига айланиб қолди. Ушбуни ўсиш десакми, қайтиш? Муаммо.

БИР ТАТАР ХОЛАМ мени ғарбпараст деб ўйлаганиданми, бошқа сабабданми, имконият туғилиши билан, ўзининг Европа маданияти вакили эканлигини такрорлар, Ўзбекистонда туғилиши — омадсизлиги, эҳтимол табиат хатоси эканлигини уқтиришга тиришар эди. Мен тушунолмасдим: бу саёз нафрат қаёқдан? Ўн карра ғарб маданияти вакили бўлсанг ҳам, заррача инсофинг бўлса, содда ўзбекнинг меҳмондўстлиги, самимийлиги, одамийлиги учун севмоғинг, севмасанг-да, илиқ меҳрига эҳтиром билан жавоб бермаслигинг кўрнамакликдан бошқа нарса эмас. Каминанинг эътиқоди: маданийлик даражаси, қайси маданият вакили эканлиги билан ўлчанмайди. Гарчи, фикрига қўшилмасам-да, эътироз билдирмадим, шундай муносабат мавжудлигини онгимда қайд этиб қўйдим. Фожиани айбга йўйиш менга бегона. Ақлий, маънавий савияси қанчалик паст бўлмасин, барибир халқда ахлоқий поклик, руҳий қудрат барқарор бўлади, акс ҳолда у пароканадаликка юз тутади. Кейинроқ маълум бўлдики, ўша холам халқимни севар экан, қувончли, пуршовқин муҳаббат билан эмас, ундан теранроқ, олижаноброқ, самимийроқ муҳаббат — дардли муҳаббат билан, изтироб-ла севар экан! Бир куни Прустнинг (холам Пруст ва Набоковнинг оташин ихлосманди) «Содом ва Гоморра»сини топганлигим қувончини ўртоқлашганимда, у орзумандлик, меҳрли ҳаяжон билан: «Қани эди, Прустни ўзбекчага таржима қилишса?! Ўзбек халқи учун уни ўз тилида ўқиш қандай ажиб байрам бўлар эди!» деди.

Қисқаси, ўзбек халқи учун, маънавияти, маданияти равнақи учун бутун бошли таржима институти (ташкилий муассаса маъносида эмас, ижтимоий-илмий фаолият маъносида) яратиш зарур. Инсоният маданиятининг энг нодир дурдоналарини маънавий мулкимизга айлантиришимиз шарт. Ўз ёғимизга юз минг қоврилиш билан узоққа кетолмаймиз. Арава ихтиро қилиш ақллилик эмас. Бизнинг ҳар биримиз ўз халқимиз орқали бутун инсониятнинг фарзандимиз, бинобарин, узоқ Ғарбдами, олов Жанубдами, қуёшли Шарқдами, улуғвор Шимолдами, фарқи йўқ. Инсониятнинг минг асрлик тарихига муносиб бўлган барча дурдоналарни ҳалол виждон, мағрур бош, чуқур қалбий эҳтиром билан ўзбек оламига қабул қилмоқ керак. Бирор мутафаккир йўқки, ўз асари фақатгина ўз халқи доирасида тиқилиб қолишидан қувонадиган бўлса. Демакки, ўша одамзоднинг ўктам фарзандига эъзозимизни айнан хонадонимизга чорлаш билан жойига қўйишимиз лозим. Ва ишонамизки, Лотин Америкаси мисоли она Осиёмизда ҳам бутун инсоният маданияти хазинасига муносиб марваридлар яратилади. Кимки ўз халқини севса, ўз фарзандлари камолини кўзласа, бу эзгу ишга самимий ҳисса қўшади. Ота ҳаётининг бош вазифаси, азалий бурчи — ўз фарзандлари камолотига шароит яратиш, уларнинг ўзидан баркамолроқ бўлишлигини таъминлаш-ки, мазкур бурч анъанага, бузилмас қоидага айланганидагина, инсоният камолотининг янги поғоналарини забт этаверади. Ўшандагина мазкур мўъжиза занжирининг ҳар бир халқаси ўз тарихий миссиясини ҳалол бажарган — ўз яшаганлигини оқлаган бўлади. Октябрь инқилоби оламшумул ҳодиса бўлганлиги ҳолда, худди ўша занжир узилиши кўплаб фожиаларга сабаб бўлди. Бизнинг кимлигимизни, ўша фожиаларга муносабатимиз хусусиятлари эмас, балки, чиқарган сабоқларимиз салмоқлари белгилаб беради.

БОБОЛАРИМИЗГА ЎГАЙМИЗМИ?

3

МАТБУОТда машъум «ўзбек иши» шов-шув бўлди. Баъзи халқпарварларимиз фикрича, бу халқимиз шаънига ҳақорат экан. Эътиқодим: халқни ҳақоратлаб бўлмайди! Халқ, у чинакамига халқ бўлса, ҳақоратдан юқори. Ҳатто, «немис фашизми» ҳам немис халқи, Гёте, Бах, Дюрер халқи учун ҳақорат бўлган эмас. Эмакловчи чаён парвоздаги лочинга ниш ура олмаганидек, халқнинг бокира номини беш-олтита саёз сўзфурушнинг исқирт сўлаги булғай олмайди. Халқимнинг бир жажжи фарзанди сифатида, барча заҳартиллиларнинг нопок кўзига тик боқиб, ўзбек иши — менинг ишим, дея оламан. Ҳа, халқимнинг номуносиб фарзандлари, менинг разил оғаларим жинояти — менинг шармандалигим, фожиаси — дардим. Мен ҳам бу тубанликда айбдорман. Уларни лаънатламайман. Уларга ачинаман, самимий ачинаман — адашган бандаларга, чин саодат нелигидан бехабар, жоҳилу ғофил чала одамларга ачинаман.

Аминманки, атрофимиздагиларни, ҳокимиятни, қонунчиликни ва ҳатто фарзандларимизни алдашимиз мумкиндиру, бироқ, зинҳор базинҳор она табиатга панд бериб бўлмайди. Виждон кўзини шамғалат қилиб ёки уни қурбон бериб, кўп нарсага эришиш мумкиндир, лекин, хомтама бўлманг, сиз ҳеч қачон чин саодатнинг биллур осмонига кўтарила олмайсиз. Биринчи виждонфурушли ҳаракатингиз биланоқ, ўзингизни бахтиёрлик, жаҳаннам фуқаролари руҳиятига киритиб қўясиз. Қанчалик ночор, йўқсил, қўли калта бўлмасин, ҳалолликнинг ўзи ҳаётнинг энг бебаҳо мукофоти, ягона, чин саодатидир. Имоним шу!

Иккинчи муҳим вазифа — халқимизнинг ўтмиш маданий меросини кенг ва чуқур ўрганишга киришиш. Биз халқимизнинг бой маданияти, кўҳна тарихидан оғиз кўпиртиришга устамиз. Лекин, аслида ўша маданият боболаримиз томонидан яратилгани ҳамда ворислик ҳуқуқи бизники бўлгани ҳолда, бизларга бегоналигича турибди. Гумон туғилади, биз балки боболаримизга ўгаймизу, кимнингдир васиятномасида мерос ҳуқуқидан маҳрум қилинганмиз. «Девони луғатит турк»нинг энг кўҳна ёдгорликларидан бири эканлигини фахр билан овоза қилганим ҳолда, унинг асли не эканлигидан бехабарман. Боболаримнинг улуғлигини узунқулоқ гаплардан биламан. Бобур «Бобурнома» ёзганлигини эшитганман, фақат у ким учун машаққат чеккан? Азизлар, Бобурнинг буюклигидан лоф ургунча, ўша сирли-пинҳоний «Бобурнома»ни бир марта бўлсада нашр этсак-да, унинг кимлигини аниқлашни ўқувчининг эрки, деб билсак! Оғаларимиз руслардан ўрнак олайлик: уларда буюк боболарнинг ҳар бир қоғозга тушган жумласи кенг халқ оммасига етказилган. Ва бу беиз кетгани йўқ. Ишонаманки, буюк Пушкиннинг, ҳаттоки жазманига ёзган кичик бир мактуби, адабиёт дарсликларидаги бутун бошли пушкиншунослик рисоласидан қимматлироқдир. Навоий бобомдан қанчалик ифтихор қилмай, уятимни тан оламан, мен унинг нолойиқ эварасиман! Темур бобомиз экан, нега унинг ҳаётномалари, «Тузуклари» бизларга эртароқ етиб келмади? Қисқаси, эски қўлёзмаларни чуқур ўрганиб, кенг халқ оммасига етказиш даври келди. Рости, ҳеч қачон бу давр куттириб қўйган эмас, ҳамма жиноят ўша давр казоларинники. Бинобарин, халқимиз ўз маданияти дурдоналаридан фақатгина келгуси асрларда танишишга киришса (бунинг эҳтимоли ҳозиргидан камроқ бўлиши аниқ) асримизда фаол барча арбоблар тарих лаънатига гирифтор бўлади.

ИНСОНИЯТ тараққиёти хусусиятларининг қонуниятлари алоҳида суҳбат мавзуи бўлганлигидан хулосалаб, ўзимизни мардларча, ҳеч бўлмаганда, битта фазилатимиз тирик қолади, фош қиламиз: кўҳна маданиятимиз қанчалик юксак бўлмасин, ҳозирги аҳволимиз ўта ночор. Буни равшан англамасдан, теран ҳис қилмасдан, очиқ эътироф этмасдан туриб, дардимизни даволай олмаймиз. Очиғи, бу касал фақатгина бизларга тегишли эмас. Европа ва умуман жаҳон маданиятининг пойдевори катта ҳисобда юнон маданиятидир. Лекин, ҳозирги кунда ғарб маданиятининг етакчи кучи эллинлар авлодлари, дея олмаймиз. Ваҳоланки, маданий Европада ўз ватанидан қувғин қилинган худобезорлар, кейинроқ, ўз юртида қорни ошга, эгни кийимга ёлчимаганлигидан, океан ортидан омад қидирган шўртумшуқлар қурама жамоасининг чеваралари авангардликка эришдилар. Ҳатто, уларнинг ақл ва истеъдодни эски оламдан сўриб олишларини ҳам таъна қилишга ҳаққимиз йўқ. Осиёда олдинги сафда бетакрор санскрит авлодлари ёки ҳаммани сўқир ёки чалабасир, фақатгина ўзларини ягона басир, тан олиш лозим, бу жоҳил гумроҳлик ёки шабкўр такаббурликдан эмасди, деб билгувчи сариқ империя фарзандлари эмас, балки, жангари самурайларнинг меросхўрлари барқарор туришибди. Хулоса шу, маданиятнинг эришилган юксак даражаси мангуликка музаффар бўлмай, балки, янги чўққиларга поғона эканким, камолот йўли мангу изланишда, аждодлар тажрибаси, камолоти, маҳоратини фарзандларга эҳтиёткорлик билан ўтказишда экан. Келинг, оталаримиз хатосини такрорламай, боболаримиз оёғига бошимизни урайлик!

ЎЗБЕК ЗИЁЛИЛАРИНИНГ кечиктирилмас бурчи — инсоният ютуқларини ўзбеклаштириш ва ўз аждодлари мулкини (меросини) жиноятлар-гуноҳлар лоқайдлик чангалидан қутқариб, халқига етказиш. Мард бўлайлик, ҳақиқат кўзларига тик боқайлик, ана шу тақдирловчи иқрордан кейингина

4

бирор ижобий ютуққа эриша олишимиз мумкин, холос. Ўзбекча нутқ савияси, нутқдаги фикр салмоғи ўта аянчли. Ф. Мусажонов эътироф этганидек, киночилар ўзбек тилидаги сценарийларни тош даври — бу менга ўша машъум «ўзбек иши»дан ҳақоратлироқ туюлади — савиясида дея, менсимай бурун жийиришар экан. Йўқ, уларни қоралаш фикридан холиман, бу ҳам дид масаласи. Фақат ўша «донишманд»ларнинг етуклигига шубҳам бор — давр талабидаги русча сценарий асосида ҳам бирор «шедевр» яратганларини эшитганим йўқ. Ҳолбуки, умуман ҳеч қаяқа сценарийларсиз бетакрор дурдоналар яратган Роберто Росселенини эшитганим бор. Халқ беғараз, бағри кенг она ва у ҳатто ўзидан юз ўгирган фарзандини ҳам оқ қилмайди. Қолаверса, бу унинг ўз айбини ҳис қилишининг бир кўриниши, зотан, мендан юз ўгирибдиларми, демакки, мен ҳам фаришта эмасман!


Халқимиз энг қобил фарзандларининг ўз она тилларидан юз ўгириб кетишлари ҳодисасини қандай баҳолаш керак? Дод солиш шарт эмас. Ҳар бир кимса, энг аввало ўз ҳаёти учун масъул. Модомики, у ўз камолоти чўққисига кўтарилишнинг бирмунча силлиқ ва равон йўли рус тили воситачилигини танлар экан, бу унинг ҳуқуқи. Мен шахсан унинг ғалабасига тарафдор, камолига хайриҳоҳ, довруғидан манфаатдорман. Шоқал ёки суғурдан бўри ёки йўлбарс жасорати ёки шижоатини талаб қилиш ўринсиз. Бутун шарқ форсийда ёзган бир даврда ҳам Навоийдек забтли ўғлон туғилаверар экан. Бинобарин, чин олмос кўмирининг қалин қатламини ёриб ўтиб бўлса-да, қуёш шуъласини жисмига жо қилар ва яна тантиларча уни оламга таратаверар экан. Гап шу қадрдонлар, халқимнинг чўккалаб қолган маданиятининг оёққа турғизишга таянч бўлишга ҳозирмиз йўқ экан, начора, ўз камолотингизга интилинг, равон йўлдан энг катта тезликда олға босинг, ортингизда биз бормиз — кўнглингиз тўқ бўлсин! Оилани тарк этган фарзанд ҳам фарзанд, зеро, ирсият шартлиликлардан, қон эътиқоддан кўҳнароқ ва теранроқ. Сизнинг хиёнатингиз ҳам бизнинг ғалабамиз, зотан, бу хиёнатга жасоратни, журъатни биздан олгансиз.

Хаёлан тасаввур қиламиз: китоб магазинларининг ўзбек адабиёти, аниқроғи десангиз, «Литература на узбекском языке» дейилувчи ўгай бўлаги расталарида сифати фин ёки Москва нашриётлариникидай бўлмаса-да, қирғизларникига яқин Қошғарий, Югнакий, «Бобурнома», Бухорий, Марғилоний, санскрит дурдоналари, форс адабиёти зумрадлари, жумладан, бобомиз ардоқлаган Аттор, Фитрат, Чўлпон, Беҳбудий, сарой солномачиларининг тарихий асарлари, Гомер, Петрарка, Вергилий, Рабле, Пруст, Жойс, Вулф, Фолкнер, Платонов, Камю, Ибсен, Шоу, Конрад, Сенкевич, Манн, Кортасар, Маркес, Бодлер, Рильке, Цветаева... ва ҳоказолар. Ўзбек хонадонида эса уй тўрида китоб жовонлари. Мана бу чинакамига байрам, порлоқ истиқболга мустаҳкам пойдевор бўлур эди. Ишониш қийин, наҳот бизлар ростдан ҳам мавлоно Навоийлар авлодиданмиз? Йўқ, ўзбекчиликда китобхонликка қирон келган дейиш, ноҳақлик. А. Орипов, Э. Воҳидов тўпламларини топиб бўлмайди, А. Қодирий, П. Қодиров, Шуҳрат, Ў. Ҳошимов, О. Ёқубов, А. Мухтор, Ч. Айтматов асарлари ҳам чанг истилосига дучор бўлмайди. Бальзакнинг «Сағри тери»сини ҳам 60 минг нусхада ҳазм қила олдик. Боккаччо «Декамерон»ининг ўзбекчасини ҳам букинистда алмашув фондига ўтказиш мумкин, Булгаковнинг «Уста ва Маргарита»си ҳам халққа сингиб кетди. Ҳозир расталардаги Зошченко «Мажоро»сига эътибор йўқ, дейиш нотўғри. Лекин, Навоийнинг «Қора кўзлари» ҳаридорими «Топмадим» деб мулзам бўлиш аянчли, уятли ва аламли. Буларнинг ҳаммаси дарёдан томчи эканлигини уқинг-ла эътироф этмаслик — номардлик.

ЎЗБЕК ҲАЁТИ учун яна бир муҳим, эҳтимол энг ҳаётий долзарб масала — деҳқончиликда оқилона тартибларни қарор топтириш. Иқтисодий ривожланишнинг бош омили ва дастаги — моддий манфаатдорлик. Ким нима билан шуғулланмасин, мумкин қадар кўпроқ даромад қилишга тиришади. Ҳар бир кишининг бадавлатлиги жамият, бинобарин, давлат бойлиги. Агар, масалага шу томондан ёндашилса, деҳқонга танлаш ҳуқуқи берилмоғи лозим. Сабзи ёки пиёз, қовун ёки тарвуз етиштирган миришкор 15 минг сўм даромад қилди дейлик. Иккинчи бир тоифа улардан кўпроқ бўлса кўпки, асло кам бўлмаган заҳмат эвазига «оқ олтин» етиштириб, 1,5 минг сўм даромад олди. Тасаллига текин илова тарзида, «Сиз отахон, «оқ олтин» соҳибкорисиз, сизнинг қўлларингиз олтин!» деймиз. Қўллар олтинлашуви шарофатига шубҳаланмасак-да, икки деҳқон меҳнати ўртасида фарқ, деярли, 10 марта эканлигига ишонолмаймиз. Пахтакорлик шарафли касб. «Оқ олтин» мамлакатимиз халқ хўжалиги учун зарур хом ашё бўлсин, лекин, нега қандайдир гумонли шараф учун заҳматкаш халқ қонли, жонли азият чекиши керак экан? Бобо Маркс қиймат қонунида **«ҳар бир товар қиймати — уни яратишга сарф қилинган меҳнат миқдорига тенгдир»**, деяр эдику? Ёки пахта бундан истисно деб белгиланганмиди? Нега унда сиёсий иқтисод дарсликлари сукут сақлашмоқда? Модомики, пахта — «оқ олтин» экан, бу ҳам гумондан холи эмас, ўша номард сохта олтинга ҳеч бўлмаганда мис баҳосида ҳақ тўланса, қайси ғиррom адолат қоидасига хилоф бўлар экан?

Муаммолар, муаммолар... Қаёққа қараманг, навбат меники! деб, долзарб бир муаммо пешвоз чиқмоқда. Начора, неки эксанг, ўшани ўрасан. Қанча давр сохта ҳурликни мадҳ этиб яшадик, энди адолат ва табиат олдида қарзимизни узиш вақти келди.

Мирзакалон ЖЎРАЕВ,
Тошкент.



МОДА

Сиз кўриб турган суратлар яқинда Токиодаги кўргазма залларидан бирида олинди. Мутахассисларнинг фикрича япон модельерлари ҳозир ҳам илгаригидек шарқ ва ғарб анъаналарини уйғунлаштириш йўлидан боришмоқда. Бунда анча муваффақиятларга

МОДА



МОДА

эришдилар. Маълумки, ҳар қандай мода замон талабига жавоб бериши керак. Намойишда бу ғоя ўз аксини топди: ретро, супермодерн сингари замонавий услубларда тикилган либосларини томошабинлар илиқ кутиб олишди.

Киодо-ТАСС суратлари.

МОДА







ҚАРИЛИК ГАШТИ... ҚАРИЯЛАР УЙИДА



Ҳарбийда йигитлик бурчимни ўтаб юрган кезларимда москвалик Сергей Коломиец деган қуролдошим билан бўлиб ўтган суҳбат сира ёдимдан чиқмайди. Кунларнинг бирида у дабдурустдан сўраб қолди:

— Сизларда қизларни 12-13 ёшдан турмушга чиқаришади-а?

— Йўғ-е, нима деяпсан, бизда ҳам Конституция бор, қизларнинг турмуш қуриш ёши 17 деб аниқ белгилаб қўйилган.

— Нега сизларда йигитларни ота-она уйлантиради? Улар ҳатто бола-чақали бўлганларидан кейин ҳам ота-онанинг қарамоғида бўлишади. Ё ўзларинг мустақил яшолмайсизларми?

— Йўқ, биз ўзимиз мустақил яшай оламиз албатта. Бизга бутун умрини бағишлаган ота-онамизнинг қариган чоғида ўзгалар қўлига қарам бўлиб қолишини истамаймиз, холос — деб жавоб бергандим мен.

— Тошкентда ҳали ҳам туя, эшакда юрасизлар-а? — яна «томдан тараша тушгандек» кутилмаган савол берганди ўшанда у...

Бу савол-жавобни бот-бот ёдга оламан. Бежиз эмас, албатта. Қаранг, байналмилалчилик айни авжига чиққан, бутун мамлакат Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини кутиб олишга тайёргарлик кўраётган, Тошкентда Иттифоқдаги 7-метрополитен бугун эрта ишга тушади,' деб кутиб юришган бир пайтда бизлар бир-биримизнинг урф-одатларимиздан, турмуш тарзимиздан қанчалик бехабар эканмиз!

Бироқ бугун ушбу суҳбатни эслашимнинг боиси байналмилалчилик мавзуси эмас, балки мана бу суратлардир. Назаримда, айнан ана шу суратлар Сергейнинг иккинчи саволига жавоб бўла олади. Ушбу суратларни ЎзТАГ мухбири Р. Ғофуров Самарқанддаги қариялар ва ногиронларнинг интернат уйидан олган. Хўш, бунда яшовчилар дунёга келиб нима кўришди? Мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида кунни тунга улашди, совуқни совуқ,' иссиқни иссиқ дейишмади. Бутун ёшликларини, билак кучи, қалб қўрларини сарфлашди. Қариган чоғларида мадорлари қуриб, ҳатто ўзларини боқишга ҳам қувватлари қолмаган пайтда эса ўзгалар қўлига қарам, меҳрга зор бўлиб қолишди.

Тағинам давлатимиз ҳотамтой экан. Ушбу суратларда акс этган бино яқингинада ҳам хароба кулбани эслатарди. Маҳкамаларaро «Ғамхўрлик» инсонпарварлик-меҳрибонлик жумҳурият ҳаракатномаси қабул қилингач, интернат-уй таъмирланиб, сиз кўриб турган тусга кирди. Интернат ҳисобига тушган пулларга телевизорлар, ногиронлар аравачалари харид қилинди. «Меҳнат» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси эса ҳали ҳам меҳнатга лаёқатли бўлганлар учун мўъжазгина цех ташкил этди. Бу уларга арзимаган қариллик нафақаларига қўшимча даромад қилиш имконини берди.

Ҳа, ҳукуматимиз қарияларга қўлидан келганча кўмаклашмоқда. Лекин улар бутун умр фақат «мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлиги» учун меҳнат қилишмагандир, Табаррук ёшдаги 250 кишининг фарзандлари ҳам бордир, балки. Ахир бу ёруғ дунёда «болам-чақам» деб елиб-югурмаган, тош келса кемирмаган, сув келса симирмаган ота ёки она бормикан?!

Байрамларда интернатга қўшни мактаб кашшофлари, болалар боғчасидаги кичкинтойлар, Самарқанд Олий ҳарбий автомобиль командирлари билим юрти курсантлари ташриф буюришади: концертлар қўйишади, тансиқ таомлар билан сийлашади. Ва... ва «келгуси байрамгача», дея хайрлашишади. Албатта, қариялар шунга ҳам хурсанд бўлишади. Аммо ойда-йилда бир ўтказиладиган бундай тадбирлар инсонийлик ўрнини, фарзанд меҳри ўрнини боса олмайди. Меҳмонлар келиб-кетишгач, уларнинг кўзларида пайдо бўлган учқун яна сўнади, қалбларида уйғонган илиқлик ўрнини яна ёлғизлик ва қарамлик ғуссаси қоплайди.

Ҳар бир ўзбекнинг ҳеч бўлмаганда бир фарзанди ўғил бўлишини орзу қилишининг, ўғиллар кўп бўлса, улардан бирини албатта «ёни»да олиб қолишининг боиси ҳам ана шу кўргиликни кўришни истамагани эмасмикан?..

Ҳа, доно халқимизни ўзига хос фазилатлари, дарҳақиқат беҳисоб! Афсус, айрим ношуд фарзандлар уларни оёқ-ости қилишга ботиняпти.

Фарруҳ РАҲИМ.

СУРАТЛАРДА: 4-мактаб кашшофлари ва болалар боғчалари тарбияланувчилари интернат-уй меҳмонлари (юқоридаги ва чапдаги суратлар); интернат-уйининг кўпгина муаммоларини ҳал этишда Темирйўл ноҳия комсомол қўмитаси ҳузурида ташкил этилган «Лира» ширкати яқиндан кўмаклашмоқда. Ўнгдаги суратда сиз (чапдан ўнгга) ширкат раиси Ирина Ли, ЁУЖК бошлиғи Талъат Исматов, Темирйўл ноҳияси комсомол қўмитаси тафтиш комиссиясининг аъзоси Фотих Солибоев, интернат-уй директори Равшан Зарипов ва Темирйўл ноҳия комсомол қўмитасининг котиби Аъзам Аҳроровларни кўриб турибсиз.

(ЎзТАГ сурат хроникаси).

Киноартист бўлишни хоҳлайсизми?

Қизларнинг қайси бири кино юлдузи бўлишни орзу қилмаган дейсиз — кўпчиликни қийинчиликлар ҳам, актёрлик факультетларидаги жуда катта конкурслар ҳам чўчитмасди. Лекин кўпинча бу орзулар орзулигича қоларди. Истеъдодли ёшларнинг кам бўлганлиги учунгина шундай бўлмасди, балки бу ерда ўқишни истаганлар ғоят чекланган миқдорда қабул қилинарди. Ниҳоят умид туғилди: актёр бўлишни орзу қилган ҳар бир киши ўзини бу борада синаб кўриши мумкин. Янги ўқув йилидан Бутуниттифоқ кинематография Давлат институтида ўзбек устахонаси очилади. Жумҳурият Кинематографчилар уюшмаси унинг очилишига эришди. Ўзбекистондан у ерга ўн йигит ва қиз юборилади.

— Мана беш йилдирки, Бутуниттифоқ кинематография Давлат институтига Ўзбекистондан бундай қабул бўлмаган эди, — дейди ижодий уюшма правлениесининг биринчи секретари Малик Қаюмов. — Ваҳоланки, аввалги битирувчилар (бу битирувчилар СССР халқ артисти Борис Чирков қўл остида шуғулланган эдилар) ўз маҳоратларини кўрсатдилар. Уларнинг фақат айримларини айтиб ўтмоқчиман. Булар — Бахтиёр Зокиров, Диля Эгамбердиева, Матлуба Алимова, Дилором Қамбарова, Зуҳриддин Режаметов ва бошқалардир. Уларнинг ҳар бири бир неча фильмларда суратга тушди. Бу ёшларнинг кўпчилиги қизиқарли ролларга таклиф қилинди. Масалан, Матлуба Алимова «Мосфильм»да суратга олинаётган картиналардан бирида бош ролни ижро этади ва Молдавия кино студиясида яратилаётган фильмда иштирок этади. Дилором Қамбаровани чет элда фильмда ўйнашга таклиф этишмоқда. Хуллас, ёшлар юзимизни ерга қаратишмади. Ҳозир ҳам истеъдодли ва иқтидорли ёшларни танлай оламиз, деб умид қиламиз.

Биринчи саралаш тури Чилонзор кўчасида жойлашган киноактёр студиясида 1 февралдан 1 майгача ўтказилади. Ҳар бир хоҳловчи у ерга ҳужжатларини топшириб ижодий мусобақада ўз бахтини синаб кўриши мумкин. Бунинг учун фақат иккита шарт қўйилмоқда — конкурс қатнашчиларининг ёши 20 дан кам бўлиши ва улар икки тилни — рус ва ўзбек тилларини билишлари керак. Иккинчи турни жумҳурият Кинематографиячилар уюшмасининг комиссияси ўтказади. Август ойида уларни эшитиш учун Бутуниттифоқ кинематография Давлат институти вакиллари келишади. Янги устахонага А. Баталовнинг бошчилик қилиши кўзда тутилмоқда.

(ЎзТАГ).

ТАБРИКЛАЙМИЗ, МАҲМУДЖОН!

Ёш хонанда Маҳмуджон Азимов номи жумҳуриятимиз меҳнаткашларига яхши таниш. Унинг дилрабо янгроқ овози радио ва ойнаижаҳонда, ёшлар сайлларида тез-тез янграб туради. Маҳмуджон ижро этган классик қўшиқлар айниқса, қалбимиз тўридан чуқур жой олган.

Ҳақиқий санъаткор ҳамиша ўз халқи хизматида. Маҳмуджон ҳам жуда кўп маротаба «Ёш ленинчи» газетаси йўлланмаси билан ҳамда Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитасининг «Ўзбекистон комсомоли» агитпоезди сафарида бўлиб ёш пахтакорлар, чорвадору ишчилар, талабалар ҳузурида бўлган. Сеҳрли қўшиқлари билан тингловчилар қалбини ром этган.

Яқинда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми халқ ижодиётини ривожлантиришдаги хизматлари ҳамда юксак ижрочилик маҳорати учун «Парвоз» ансамблининг вокал группаси раҳбари АЗИМОВ МАҲМУДЖОН МАҚСУДОВИЧГА Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Фахрий унвонини берди.

Юксак унвон муборак, Маҳмуджон!

31 ЯНВАРЬ — ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

17.30 «Исҳоқ Катаев куйлайди». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.45 «Объективда — қайта қуриш». Тошкент вилояти мисолида матлубот жамияти системасининг қайта ишлаш тармоқлари ҳақида. 19.25 Кинолавҳа. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Назорат экрани». 20.20 «Оққушлар қаерда қишлайди». Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 ЎзССР халқ артисти Дилафрўз Жабборова рақсга тушади. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 Ойбек. «Навоий». Кўп серияли телевизион видеофильм. 2-қисм. 23.05 «Деҳқон ва замон». Қишлоқ меҳнаткашлари учун программа. 00.05 Янгиликлар.

● МТ I

16.00 «Халиматнинг қиссаси». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Олмаота). 16.20 «Мусиқий хазина». М. Плетнев ижросида Л. Бетховен асарлари. 17.10 Илмий ахборот. 17.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 17.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот). 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 19.30 «Телесеанс». Февраль ойининг телефильмлари. 20.00 «Топилма». Мультфильм премьераси. 20.10 «Ўн икки стул». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 «Олам кинокамера кўзгусида». Кўрсатувни Д. Д. Бирюков олиб боради. 23.05 «Мезон». А. Синявскийнинг «Пушкин билан сайиллар» китоби доирасида адабий мулоқот. 23.25 «П. И. Чайковскийнинг барча симфониялари». 3-симфония.

● МТ II

17.30 «Муми-Тролль ва комета». Мультфильм. 17.45 Қозоғистон ССР Давлат телерадиоси. «Мўътабар ўлкада» (Олмаота). 18.10 МТ хазинасидан. РСФСР халқ артисти Э. Грач концерти (скрипка). 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 19.30 «Самарали ғоялар ярмаркаси». 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар «Билмасвой». Мультфильм. 20.45 «Гусли Болтиқбўйида». Таллиндан кўрсатилади. 21.10 «Зинадан юқорига». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Зинадан юқорига тезлик билан югуриш бўйича дастлабки ғаройиб мусобақалар ҳақида (Олмаота). 21.20 Владимир Тарасов чалади. Свердловскдан кўрсатилади. 22.00 МТ хазинасидан. «Гангстер бўлмайман, азизам» (Литва киностудияси). 23.15 Тўпли хоккей. «Советская Россия» газетасининг соврини учун халқаро турнир. Финал.

Шаҳарлар, стадионлар, ўйинлар

Шу йилнинг июнь ойида Италияда бўладиган футбол бўйича жаҳон биринчилигининг 52 учрашуви мамлакатдаги 12 шаҳарнинг 12 стадионида ўтказилади. Қуйида биз ушбу шаҳарлар ва стадионлар ҳақида ҳикоя қиламиз.

РИМ

Шаҳарда 2 миллион 820.000 аҳоли яшайди. «Олимпико» стадиони 85.000 томошабинга мўлжалланган. Июнь ойида энг паст ҳарорат — 15,2 даража; юқориси — 27, июлда — 17,3 ва 29,4.

Римда жаҳон чемпионатининг 6 ўйини бўлиб ўтади: 9 июнь — Италия — Австрия, 14 июнь — Италия — АҚШ, 19 июнь — Италия — ЧССР, 25 июнда — нимчорак финал ўйинлари, 30 июнда — чорак финал ўйинлари ҳамда 8 июль куни финал учрашуви ўтказилади.

ФЛОРЕНЦИЯ

430.000 аҳолиси бор. «Комунале» стадиони 45.000 томошабинга мўлжалланган. Ҳарорат: июнда — 14,8 ва 27,3; июлда — 16,9 ва 30,6 даража бўлади.

Флоренцияда 4 ўйин бўлиб ўтади: 10 июнь — АҚШ — ЧССР, 15 июнь — Австрия — ЧССР, 19 июнь — Австрия — АҚШ, 30 июнда эса — чорак финалнинг бир учрашуви бўлиб ўтади.

НЕАПОЛЬ

Шаҳарда 1 миллион 220.000 минг аҳоли яшайди. «Сан Паоло» стадионига 75.000 томошабин сиғади. Ҳарорат: июнь ойида — 15,7 ва 26,3; июлда — 17,7 ва 28,9 даража.

Неаполда 5 учрашув ўтказилади: 13 июнь — Аргентина — СССР, 18 июнь — Аргентина — Руминия; 23 июнь — нимчорак финал ўйинлари, 1 июль — чорак финал ўйинлари, 3 июль — ярим финал ўйини.

БАРИ

365.000 аҳоли яшайди. «Нуово Комунале» стадиони 58.000 томошабинга мўлжалланган. Ҳарорат: июнда — 17 ва 26 даража; июлда — 19,3 ва 28,4.

Бари шаҳрида 5 ўйин ўтказилади: 9 июнь — СССР-Руминия, 14 июнь — Камерун — Руминия, 18 июнь — Камерун — СССР, 23 июнь — нимчорак финал ўйини, 7 июль — 3-ўрин учун учрашув.

ТУРИН

Аҳолиси 1 миллион 35.000 киши. «Нуово Комунале» стадиони 70.000 томошабинга мўлжалланган. Ҳарорат; июнда — 13,7 ва 24,6, июлда — 15,9 ва 27,3 даража.

Туринда 5 учрашув бўлиб ўтади: 10 июнь — Бразилия — Швеция, 16 июнь — Бразилия — Коста-Рика, 20 июнь — Бразилия — Шотландия, 24 июнь — нимчорак финал ўйинлари, 4 июль — ярим финал ўйини.

ГЕНУЯ

728.000 аҳоли яшайди. «Феррарис» стадиони 40.000 томошабинга мўлжалланган. Ҳарорат: июнда 17,2 ва 23,9; июлда — 20,4 ва 27,3 даража.

Генуя шаҳрида 4 ўйин ўтказилади: 11 июнь — Коста-Рика — Шотландия, 16 июнь — Швеция — Шотландия, 20 июнь — Швеция — Коста-Рика, 25 июнь — нимчорак финал ўйини.

МИЛАН

1 миллион 510.000 аҳолиси бор. «Меацца» стадиони 80.000 томошабинга мўлжалланган. Ҳарорат; июнда — 14 ва 25,2 даража; июлда — 16,2 ва 27,4.

Миланда 6 учрашув бўлиб ўтади: 8 июнь — Аргентина — Камерун, 10 июнь — ГФР — Югославия, 15 июнь — ГФР — Бирлашган Араб амирликлари, 19 июнь — ГФР — Колумбия, 24 июнь — нимчорак финал ўйинлари; 1 июль — чорак финал учрашувлари.

БОЛОНЬЯ

435.000 киши яшайди. «Даллара» стадионига 40000 томошабин сиғади. Ҳарорат: июнь ойида — 15 ва 28,7 даражада; июлда — 17,8 ва 31,6.

Болонья шаҳрида 4 ўйин ўтказилади: 9 июнь — Бирлашган Араб амирликлари — Колумбия, 14 июнь — Югославия — Колумбия, 19 июнь — Югославия — Бирлашган Араб амирликлари, 26 июнь — нимчорак финал ўйини.

ВЕРОНА

Шаҳарда 262.000 аҳоли яшайди. «Бентегоди» стадиони 45 000 ишқибозга мўлжалланган. Ҳарорат: июнда — 15 ҳамда 26,3 даража; июлда — 17,2 ва 28,8.

Веронада 4 ўйин бўлиб ўтади: 12 июнь — Бельгия — Жанубий Корея, 17 июнь — Бельгия — Уругвай, 21 июнь — Бельгия — Испания, 26 июнь — нимчорак финал учрашуви.

УДИНЕ

103.000 киши истиқомат қилади. «Фриули» стадионига 40000 томошабин сиғади. Ҳарорат: июнда — 15 ва 25,4 даража; июлда — 16,8 ҳамда 28,1.

Удине шаҳрида 3 ўйин бўлади: 13 июнь — Уругвай — Испания, 17 июнь — Жанубий Корея — Испания, 21 июнь — Жанубий Корея — Уругвай.

КАЛЬЯРИ

Бу ерда 225.000 аҳоли бор. «Сант Элия» стадиони 42000 кишига мўлжалланган. Ҳарорат: июнда — 16,3 ҳамда 26; июлда — 18,4 ва 29 даража.

Кальяри шаҳрида 3 ўйин ўтказилади: 11 июнь — Англия — Ирландия, 16 июнь — Англия — Голландия, 21 июнь — Англия — Миср.

ПАЛЕРМО

730.000 киши яшайди. «Делла Фаворита» стадионига 38.000 томошабин сиғади. Ҳарорат: июнь ойида — 19,6 ва 25; июлда — 22,5 ҳамда 27,9.

Палермо шаҳрида 3 учрашув ўтказилади: 12 июнь — Голландия — Миср, 17 июнь — Ирландия — Миср, 21 июнь — Ирландия — Голландия.

«САЙЁҲ—ИНТУР» —«ИНТУРИСТ»НИНГ РАҚОБАТЧИСИ

СССРда хорижий турстларга хизмат кўрсатишни монополия қилиб олган Бутуниттифоқ «Интурист» бирлашмасининг Ўзбекистонда рақобатчиси пайдо бўлди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида иш кўраётган «Сайёҳ — Интур» фирмаси ана шу рақобатчидир.

Фирма ўзининг дастлабки кунлариданоқ Ғарбий Германиянинг «Делта» компанияси билан Ўзбекистон бўйлаб янги саёҳат маршрутларини биргаликда ишлаб чиқиш, унча катта бўлмаган меҳмонхоналар қуриш, реклама ишига кўмаклашиш, маиший хизмат даражасини ошириш тўғрисидаги протокол-истакни имзолади. Италия, Япония корхона эгалари ҳам «Сайёҳ—Интур»га қизиқиб қолдилар.

— Ҳар йили Ўзбекистонга 200 мингдан ортиқ хорижий турист келади. Лекин республикада меҳмон бўлишни истовчилар бундан анча кўп, — дейди фирманинг бош директори Ж. Мирфаёзов. — Биз чет эл туризми инфраструктурасининг ривожланмаганлиги туфайли уларни қабул қила олмаймиз. Уни ривожлантиришдан маҳаллий маъмурлар унча ҳам манфаатдор бўлмасдилар — Ўзбекистон «Интурист»дан ишлаб топилган валютанинг атиги 10 фоизинигина оларди. Лекин ҳозир аҳвол ўзгармоқда. Иқтисодий мустақллик, чет эллик шериклар билан бевосита алоқа ўрнатиш имкониятлари кенг истиқбол очмоқда.

«Сайёҳ—Интур» масалан буюк ипак йўли, туя ва отларга миниб саёҳат қилиш, тоғ чўққиларига чиқиш каби янги, одатдан ташқари маршрутларни таклиф этиш ниятидадир. Меҳмонларнинг истагига кўра фирма уларни шахсий хонадонларга ҳамда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларнинг қўҳна ажойиб районларига жойлаштиради. «Сайёҳ—Интур» маиший хизмат мактабини очиш ниятидадир.

ЎзТАГ мухбири.

Ўзбекистон театрлари анжумани

Шу йилнинг 29 январидан 6 февралигача Тошкентда Ўзбекистон театрларининг иккинчи жумҳурият анжумани бўлиб ўтади.

Жумҳуриятимиз маданий ҳаётида катта воқеа бўладиган ушбу анжуманда Тошкентдаги, ҚҚАССРдаги ва вилоятларимиздаги ўзбек ва рус драма, комедия, мусиқавий театрлари, театр студиялари иштирок этадилар. Тожикистоннинг Нов вилоят ўзбек драма театри, Қирғизистоннинг Ўш вилоят Ўзбек давлат драма театрлари ҳам байрамга ўз асарлари билан меҳмон сифатида ташриф буюришади.

Томошабинлар турли жанрлардаги йигирмадан зиёд саҳна асарларини кўришга, жумҳуриятимиздаги ўзбек ва рус ҳамда қардош республикалардаги ўзбек театрлари спектакллари билан танишишга муяссар бўладилар.

Бу улкан анжуманга Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек Давлат драма театри коллективи драматург А. Иброҳимовнинг «Пуч» сатирик комедияси билан қатнашади. Театр репертуаридаги бу янги асарни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Р. Ҳамидов саҳналаштирган. Спектаклдаги асосий ролларни СССР халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Ёқуб Аҳмедов, Турғун Хонтўраев, Рихси Иброҳимова ва Тўлқин Тожиевлар ижро этишмоқда.



Суратда: «Пуч» сатирик комедиясидан бир лавҳа акс этган.

Сурат муаллифи К. РОМЕЕВ.

«Ёш ленинчи»

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА—32-56-58,
ХАТЛАР БЎЛИМИ— 32-64-65.
Газетамиз якшанба ва душанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.
Тиражи 509195 нусха
ИНДЕКС: 64607
ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ БОСМАХОНАСИ
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 23121.
Р — 03070.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.